



13  
(1331)-son  
30-mart  
2018

# Xabar

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

www.xabar.uz

## УШБУ

СОНДА:

### МУХИМ ХУЖЖАТ

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепцияси ишлаб чиқилди **2-бет**

### ЭЛЕКТРОН ХУКУМАТ ДИНАМИКАСИ

Ўзбекистон 2030 йилгача кучли 30ликка кириши керак **4-бет**

### ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРИШ ИМКОНИЯТИ

АКТ атроф-муҳитни назорат қилишда инсонларга қандай ёрдам беради? **7-бет**

### 100 ЁШГА КИРИШ СИРИ

Бунинг учун 9 шартга амал қилиш керак **10-бет**

### ИНСОН ВА РОБОТ

Рақамли асрда инсоннинг ўрни қаерда?! **11-бет**

### ОГОҲЛИК

Телеграмда уя қурган фирибгарлар **16-бет**

Қашқадарё вилоятидаги аҳоли масканларини мобил қамров ҳолати

“Unitel” МЧЖ ХК  
2G — 60,1 фоиз, 3G — 7,1 фоиз, LTE — 0,1 фоиз;

“UMS” МЧЖ  
2G — 65,9 фоиз,  
3G — 5,2 фоиз;

“Совсот” МЧЖ ХК  
2G — 49,3 фоиз,  
3G — 2,2 фоиз;

“Ўзбектелеком” АК  
“ЎзМобайл” филиали  
2G — 4,5 фоиз, 3G — 2,0 фоиз, LTE — 1,2 фоиз, CDMA — 76,9 фоиз;

“RWC” МЧЖ ХК CDMA — 50,5 фоиз.

## Шаҳарда ҳаммаси "БЕШ", ҚИШЛОҚ-ДАЧИ?! **3-бет**



## ЯНГИ ОФИСДА ЯНГИЧА ХИЗМАТ

“Ўзбектелеком” АКнинг “ЎзМобайл” филиали Навоий ҳудудий боғламаси янги замонавий офисга кўчиб ўтди.

“ЎзМобайл” филиали Навоий ҳудудий боғламасининг бошлиғи Шерзод Ибрагимовнинг таъкидлашича, GSM стандартларидаги база станцияларини ўрнатиш учун лойиҳалар ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Мазкур станциялар сони 2016 йилда 3 донга, яъни фақат вилоят марказида бўлган бўлса, 2017 йилнинг ўзига 75та база станцияси ўрнатилди. Энди мобил алоқа майдони ва қам-



рови кенглиги билан ҳақли равишда мақтанса арзийди.

**13-бет**

## ДЕВОРЛАРНИ ОЛИБ ТАШЛАШ ВАҚТИ КЕЛМАДИМИ?

Бугун технологиялар, интернет ривожланишда шу даражага чиқдики, инсонлар жуда катта миқдордаги ахборотларни қабул қилмоқда. Катта миқдордаги ахборотларни қабул қилиш — масаланинг бир томони, иккинчи масала эса ана шунча ахборот орасидан қай бири тўғри ё нотўғрилиги аниқлаш. Тўғриси айтиш керак, бунга ҳар кимнинг ҳам онги бардош беролмайди. Жуда кўплаб, ҳатто инсон тафаккурига сизмайди даражадаги гигант рақамли ахборотлар базаси

— BIG DATAлар, будутли технология (cloud technology)лар пайдо бўлмоқда. Буни том маънода “рақамли инқилоб” дейиш мумкин. Чунки инсонлар онгида туб ўзгаришлар ясалмоқда.

Фикр-мулоҳазаларим, кузатувларим ушбу техножараённинг ажралмас бир қисми бўлган интернет телеканаллар ва рақамли телеканалларнинг фарқлари, уларнинг ютуқ ва камчиликлари билан чамбарчас боғлиқ.

**5-бет**

### ҚУЛАЙЛИК

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА 54 ДОНА MSAN ҚУРИЛМАЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

“Ўзбектелеком” АК Тошкент филиали томонидан Тошкент вилояти ҳудудига замонавий, барча қулайликларга эга 54 дона MSAN (АТСлар) қурилмалари ўрнатилди ва давлат қабул комиссияси ҳулосаси билан фойдаланишга топширилди.

Ушбу қурилмаларга туман телекоммуникация боғламасидан оптик толали алоқа кабеллари орқали боғланилади. Бу эса алоқа тезлигини таъминлаб, абонентларга қўшимча хизматлардан фойдаланиш имконини беради.

Шу билан бирга, “Ўзбектелеком” АК Тошкент филиали томонидан вилоят ҳудудига истиқомат қилувчи аҳолига қулайлик яратиш, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида (+99870) 202-10-84 рақамли ми-

Филиал томонидан истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида (+99870) 202-10-84 рақамли мижозларни қўллаб-қувватлаш маркази ташкил этилди.

жозларни қўллаб-қувватлаш маркази ташкил этилди.

Ушбу рақам орқали истеъмолчилар телефон, интернет, IPTV хизматларининг сифати бўйича мурожаат этишлари ва соғалмалар бўйича маълумот олишлари мумкин.

### РЕКЛАМА

**ALSKOM**  
ЎЗЎСТА КОМПАНИ  
ИПТЕКА КОМПАНИ


**ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ИПОТЕКА СУҒУРТАСИ**

Тошкент шаҳри,  
А.Темур кўчаси 109-уй  
www.alskom.uz

Тел.: 147-11-00;  
Факс: 147-22-00

Хизматлар лицензияланган





➤ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 23 март куни қишлоқ ҳўжалигини жадал ривожлантириш ва ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ишлар натижадорлигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

➤ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 март куни "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясида иштирок этиш учун амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани ҳамда АҚШнинг нуфузли делегацияси раҳбари, АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Томас Шэннонни қабул қилди.**

➤ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусидаги Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси доирасида Еврокомиссия вице-президенти, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров, Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мевлют Чавушўлу, Покистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Хаважа Муҳаммад Асиф билан учрашувлар ўтказди.**

➤ **2018 йил 29 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн туртинчи ялпи мажлиси ўз иштини бошлади. Мажлис кун тартибига 20та масала киритилган. Шундан 13таси қонун бўлиб, улар орасида янги тахрирдаги "Давлат мукофотлари тўғрисида", "Жамоатчилик назорати тўғрисида", "Давлат харидлари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида", янги тахрирдаги "Ўрмон тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар бор. Икки кун давомида сенаторлар қонунлардан ташқари Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Марказий банкнинг 2017 йилдаги фаолиятига доир ҳисоботини эшитди.**

➤ **29 март куни Қирғизистон Республикаси Бош вазири Санар Исаков бошчилигидаги делегация ишчи ташриф билан мамлакатимизга келди. Фарғонада Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси Бош вазилари раислигидаги икки давлат чегарадош вилоятлари раҳбарлари кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.**

➤ **Ашхободда "Made in Uzbekistan" миллий саноат кўргазмаси иш бошлади. Мазкур кўргазма Туркманистонда Ўзбекистон миллий саноат маҳсулотлари ва инвестициявий салоҳиятини намойиш этиш, ушбу мамлакат компаниялари билан тижорий-шериклик шартномалари тузиш, ишбилармон доираларни юртимизнинг илмий-ишлаб чиқариш салоҳияти билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилди. Уч кун давом этадиган тадбир доирасида ўзбек ва туркман санъат усталарининг маданий дастури ҳам намойиш этилади.**

## ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ Афғонистондаги тинчлик учун халқаро мулоқот майдони ташкил этилди

"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида 27 март куни "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур конференция нафақат минтақа давлатлари, балки бутун дунёда катта қизиқиш уйғотди. Нуфузли анжуманга Афғонистон АҚШ, Россия, Хитой, Туркия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатлардан делегациялар ташриф бурди.



Халқаро экспертлар, сиёсатшунослар конференция жараёнини диққат билан кузатиб боришди. АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Россия, Япония ва Марказий Осиё мамлакатларининг етакчи телеканаллари, ахборот агентликлари ва нашрлари анжуман талбирларини кенг ёритди.

Халқаро конференцияда Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Фе-

дерика Могерини ҳам чиқиш қилди. Шундан сўнг, БМТ Бош котиби Антониу Гуттеришнинг видеомурожаати намойиш қилинди.

Давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича Ўзбекистон позициясини баён қилган, бу борада амалий таклифларни илгари сурган эди.

Тошкент халқаро конференцияси Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича муҳим сиёсий жараён сифатида баҳоланди.

Конференция якунида Афғонистон бўйича "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусидаги Тошкент конференциясининг декларацияси қабул қилинди.

### ➤ ИСЛОҲОТ

## МУҲИМ ҲУЖЖАТ

### Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепцияси ишлаб чиқилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мутахассисларнинг фикрича, мазкур концепция мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилашга хизмат қилувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Концепцияда юридик

шахсларнинг даромад солиғи бекор қилиниши, қўшилган қиймат солиғи 20 фоиздан 12 фоизга туширилиши, жисмоний шахслар даромад ва барча ижтимоий солиқларни 25 фоизга ягона солиқ сифатида тўлашга ўтиши ва бошқа бир қатор ислохотлар ҳамда улардан қўтилаётган натижалар акс этган.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепцияси лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси норма-



тив ҳуқуқий ҳужжатлари порталида муҳомамага қўйилган. Ушбу муҳомамада барча истовчилар қатнашиб, ўз фикр-

мулоҳазаларини билдиришлари мумкин.

Шунингдек, 29 март куни пойтахтимиздаги "Ўзэкспо-марказ"да мазкур муҳим ҳужжат муҳомамага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, солиқ соҳасидаги экспертлар, бизнес-жамоатчилик вакиллари, ОАВ, халқаро молия институтлари, дипломатик корпуслар ва бошқалар иштирок этишди.

### ➤ УЧРАШУВ

## КОРЕЯ ЖАМҒАРМАСИ ЎЗБЕКИСТОН АКТ СОҲАСИ УЧУН КРЕДИТ АЖРАТАДИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазириликда Корея Республикасининг Иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳамкорлик жамғармаси (Economic Development Cooperation Fund (EDCF)) делегацияси ҳамда вазирлик раҳбарияти иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Қайд этилишича, ахборот технологиялари, янги технологияларни ўзлаштириш ҳамда жорий қилиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантирувчи ва барқарор ривожланиш суръатини таъминловчи муҳим омиллар сафига қўшилиб бўлди.



Жамғарманинг фаолият йўналиши ва лойиҳаларни Ўзбекистонда ҳам жорий қилиш мамлакат иқтисодиёти ва ўзаро ҳамкорликнинг мустақамланишига хизмат қилади. Шунинг билан олиб, учрашувда томонлар икки

томонлама ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олдидилар.

Хусусан, учрашувда Иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳамкорлик жамғармаси томонидан Ўзбекистонга йўналтириладиган 500 млн. АҚШ доллари миқдоридagi

кредит маблағи эвазига амалга ошириладиган янги лойиҳалар муҳомада қилинди.

Шундай лойиҳалардан бири Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида коворкинг марказларини ташкил қилиш ташаббусидир. Бундай марказларда мунтазам равишда сармоядор ва ғоя эгаси иштирокида муҳомадалар, шунингдек, машғулот ва семинарлар ўтказиш имконияти яратилади.

Учрашувда ҳар икки томон АКТ соҳасида истиқболли лойиҳаларни ҳамкорликда амалга оширишга тайёр эканлини маълум қилдилар.



# Шаҳарда ҳаммаси "БЕШ", ҚИШЛОҚДАЧИ?!

XXI асрда ноанъанавий бизнеслар қаторида АҚТ салмоқли ўрин эгаллаётгани сир эмас. Илғор инновацион ишланмаларнинг ҳаётга жорий этилиши ортидан кўплаб давлатлар бу соҳадан катта даромад ортирмоқда.

◀1-бет.

**Вилоятда 1204та аҳоли яшаш маскани бўлиб, шундан 1086таси мобил алоқа сигналлари билан (91,2 фоиз) қамраб олинган.**

Замонавий билим ва кўникмага, илғор инновацион ишланмага эга бўлган кичик бир компания жамоаси унлаб гектар ҳудудда жойлашган, минглаб ишчи меҳнат қиладиган завод ва фабрикадан кўра юқори даромад олаётгани сир эмас. Дунёнинг энг бой одамлари қаторида АТ ва компьютер технологиялари бизнеси вакилларининг етакчилиги қилишдан кўп нарсани илғаш мумкин. Ўзбекистонда ҳам бу соҳа жадал ривожланыпти. Давлат ва ҳукумат томонидан хорижий инвесторларга катта имтиёзлар берилган. Соҳанинг ҳуқуқий асослари такомиллашиб, тадбиркорларга мадад бўладиган имкониятлар яратилмоқда. Лекин, бу соҳада бизнес юритувчи барча компаниялар ва тадбиркорлар ҳам зиммасидаги мажбуриятни тўла бажариб, лицензия талабларига риоя этипти, деб айта олмаимиз.

Бошқа ҳудудларни билмадигу аммо Қашқадарё вилоятида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бир қанча муаммолар йиғилиб қолган. Аввало, аҳолини сифатли алоқа хизматлари билан қамраб олиш ишларини кўнгилдагидек, деб бўлмайди.

Бугунги кунда вилоят ҳудудида 5та мобил алоқа оператори хизмат кўрсатмоқда. 2018 йилнинг 1 март ҳолатига кўра, вилоятда жами ишлаб турган база станциялари 1493тани ташкил этади. Мобил алоқа абонентлари сони

эса 1700000га яқинлашди.

Бир қараганда, рақамлардан вилоятда мобил алоқа хизматини кўрсатишда олдинга силжиш бордек кўринади. Бироқ, вилоят ҳудудининг катталиги, аҳолининг нотекис жойлашувини ҳисобга олсак, кўз илғамас муаммолар янада ойдинлашади.

Бугунги кунда мобил алоқа компаниялари томонидан Қашқадарё вилоятидаги аҳоли масканларини мобил қамров ҳолати фоиз ҳисобида куйидагича:

● "Unitel" МЧЖ ХК 2G — 60,1 фоиз, 3G — 7,1 фоиз, LTE — 0,1 фоиз;

● "UMS" МЧЖ 2G — 65,9 фоиз, 3G — 5,2 фоиз;

● "Coscom" МЧЖ ХК 2G — 49,3 фоиз, 3G — 2,2 фоиз;

● "Ўзбектелеком" АК "ЎзМобайл" филиали 2G — 4,5 фоиз, 3G — 2,0 фоиз, LTE — 1,2 фоиз, CDMA — 76,9 фоиз;

● "RWC" МЧЖ ХК CDMA — 50,5 фоиз.

Вилоятда 1204та аҳоли яшаш маскани бўлиб, шундан 1086таси мобил алоқа сигналлари билан (91,2 фоиз) қамраб олинган.

Жорий йил феврал ойида ўтказилган мобил алоқа ўлчовлари шуни кўрсатдики, ҳудуддаги жами 118та аҳоли яшаш масканида мобил алоқа қамрови умуман йўқ, вилоятдаги темир йўллар ва магистрал йўллар атрофи

мобил алоқа сигналлари билан тўлиқ қамраб олинмаган.

Табиийки, бу кўрсаткичлар мамлакатимизнинг иқтисодий қуввати ва соҳа ривожини унча қаратилаётган эътиборга мутлақо мос эмас.

Мазкур масалалар, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг доимий диққат-эътиборида бўлиб, Қашқадарё вилоят ҳудудий бўлини масиғага мобил алоқа қамровини доимий назорат қилиб бориш, қамров ҳудудини кенгайтириш чораларини кўриш юзасидан топшириқлар берилган.

**2018 йилнинг 1 март ҳолатига кўра, вилоятда жами ишлаб турган база станциялари 1493тани ташкил этади.**

Инспекция бошлиғининг топшириғига асосан ҳудудий бўлини томонидан 2017 йилнинг ноябр, 2018 йилнинг март ойларида барча мобил алоқа компаниялари ишгирида йиғилишлар ўтказилиб, мавжуд муаммоларни бартавраф этиш, алоқада узиллишларга йўл қўймастик, лицензия талабларига риоя этмаганлик бўйича кўзда тутилган чоралар юзасидан огоҳлантирилди.

2017 йилда "Unitel" МЧЖ ХК раҳбарига маъмурий чора қўлланилди. 2018 йил 15 март куни "Coscom" МЧЖ ХКга база станциясининг 20 соатдан ошиқ ўчиб қолганлиги бўйича кўрсатма киритилди.

2018 йил 19 январ куни вилоятда фаолият олиб бораёт-

ган барча мобил ва симли алоқа компанияларига сифат кўрсаткичларини доимий назорат қилиш юзасидан огоҳлантириш хатлари юборилди.

Мобил алоқа компаниялари томонидан берилган маълумотга кўра, 2018 йилда мобил алоқа қамрови умуман йўқ аҳоли яшаш масканларида "Unitel" ХК томонидан 48та, "ЎзМобайл" филиали томонидан 4та база станциясини ўрнатилган режалаштирилган.

Бундан кўринадики, қолган 66та аҳоли яшаш масканларида 2018 — Фаол тадбиркорлик ва инновацион соҳаларни қўллаб қувватлаш йилида ҳам мобил алоқа сигналлари бўлмайди!

Демак, бу ҳудудларда яшовчи аҳоли ахборот-коммуникация технологиялари ютуқларидан фойдалана олмайд.

Бунинг сабаби мобил алоқа компаниялари кўпроқ ҳудудни қамраб, сифатли алоқа хизматини кўрсатишга эмас, шаҳар марказларида хизматларни ривожлантириб, кўпроқ даромад олишга асосий эътибор қаратаётганида.


Бизнингча, алоқа операторлари чекка ҳудудларга қадар кириб бориб қамров доирасини кенгайтирса, ўз абонентлари сонини сезиларли даражада ошириш борабариди, қишлоқлар инфратузилмаси ривожланишига ҳам ўз ҳиссасини қўшган бўлар эди.

Бугун мавжуд мобил алоқа билан қамраб олинмаган 118та аҳоли яшаш манзилида ҳам тадбиркорлик жадал ривожланыпти. Аҳолининг турмуш фаровонлиги ошмоқда.

Яна шуни унутмаслик керакки, мобил алоқа компаниялари лицензияларида хизмат кўрсатиш ҳудуди сифатида Ўзбекистон Республикасини кўрсатган. Шундай экан, мамлакатимизда юртиллаётган сиёсатнинг узвий давоми сифатида қишлоқ ва шаҳар ўртасида фарқ бўлмаслиги керак. Шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам Ўзбекистон фуқаролари яшайди ва улар энг яхши хизматга ва ҳаётга муносиб.

**Дилмурод ЖАВЛИЕВ,**  
инспекциянинг

Қашқадарё вилоят ҳудудий бўлини масиға бошлиғи вазифасини бажарувчиси





# ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ДИНАМИКАСИ

**Ўзбекистон 2030 йилгача БМТнинг Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси ва Бутунжаҳон банкнинг Тадбиркорликни юритиш индексида 30та энг ривожланган мамлакатлар сафига кириши керак**

Техника ва ахборот асри си-  
фатида изоҳланаётган айни даврда  
ривожланган дунё мамлакатлари  
билан қадам-бақадам бўлиш  
зарурий талабдир. Бугунги кунда  
интернет ўз қўлами жиҳатидан  
жамиятнинг барча соҳа ва жаб-  
ҳаларига кирган экан, ундан  
унумли, тўғри ва ҳолисона фой-  
далана олиш зарур. Кўпгина  
давлатларда давлат бошқаруви-  
нинг электрон воситалар орқа-  
ли амалга оширилаётгани, шу  
билан бирга, электрон ҳукумат  
тизимини жорий этилаётгани  
бунга яққол мисолдир.

Электрон ҳукумат, бу – ра-  
қамли технологиялар, интернет  
ва замонавий оммавий ахборот  
воситалари асосида давлат хиз-  
матларини тақдим қилиш жа-  
раёнини, фуқаролар ва бошқар-  
ув органларининг ўзаро му-  
носабатларини доимий оптимал-  
лаштириш демакдир. Ўзбекис-  
тонда ҳам дунёнинг бошқа мам-  
лакатлари каби электрон ҳуку-  
матни ривожлантиришга катта  
эътибор қаратилган.

Республикамизда электрон  
ҳукуматнинг асоси 2003 йилда  
имзоланган “Ахборотлаштириш  
тўғрисида”ги қонуннинг қабул  
қилиниши билан боғлиқ. Унда  
ахборотлаштириш соҳасидаги  
давлат сиёсатининг асосий йўна-  
лишлари белгиланган, хусусан:

- Ўзбекистон Республикаси-  
нинг ягона ахборот майдонини  
яратиш;

- давлат ахборот ресурслари-  
ни шакллантириш, ахборот ти-  
зимларини яратиш ва ривожлан-  
тириш, уларнинг мувофиқлиги  
ва ўзаро ҳамкорлигини таъмин-  
лаш.

Давлат бошқаруви тизими-  
ни ахборотлаштириш бўйича  
“Электрон ҳужжат айланиши  
тўғрисида” ва “Электрон ҳуку-  
мат тўғрисида”ги қонунлар  
мўҳим аҳамият касб этади. Бу  
қонунларнинг биринчиси мар-  
казий ва жойлардаги ҳукумат  
бошқарув органларида ахборот  
тизимлари орқали муассасалар  
ўртасида ҳужжат алмашиниш  
масалаларини тартибга солиди.

“Электрон ҳукумат тўғрисида”-  
ги қонун электрон ҳукумат со-  
ҳасини давлат томонидан тартибга  
соллини белгилаб беради, шу-  
нингдек, давлат хизматлари кўрсати-  
ши мувофиқлаштиради. Қонунда  
электрон давлат хизматларининг  
ягона реестрини юри-  
тиш шартлари ва электрон дав-  
лат хизматларининг сифатини  
баҳолаш тартиби кўрсатилган.  
Мазкур қонунга мувофиқ давлат  
бошқарувида тегишли электрон  
ҳукуматнинг асосий вазифалари  
қуйидагилардан иборат:

- давлат органлари фаолияти  
самардорлиги, тезкорлиги  
ва шаффофлигини таъминлаш,  
уларнинг масъулияти ва ижро  
интизомини кучайтириш, аҳоли  
ва тадбиркорлик субъектлари  
билан ахборот алмашишни



таъминлашнинг қўшимча  
механизмларини яратиш;

- аҳоли ва тадбиркорлик  
субъектлари билан ўзаро муно-  
сабатларни амалга оширишда  
электрон ҳужжат айланиши, дав-  
лат органларининг ўзаро ҳамкор-  
лиги ва уларнинг маълумотлар  
базалари ўртасида ахборот ал-  
машинуви механизмларини  
шакллантириш ҳисобига давлат  
бошқарув тизимида “бир да-ча”  
тамоийлини жорий этиш.

Бугунги кунга келиб, элект-  
рон ҳукуматнинг етарлича му-  
вофиқлаштирилган архитектураси  
мавжуд. У Ягона интерактив  
давлат хизматлари портали  
(ЯИДХП) ва давлат органлари-  
нинг алоҳида порталларидан  
иборат. Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2013 йил 27  
июндаги 1989-қарори ижросини  
таъминлаш мақсадида электрон  
ҳукуматнинг ахборот тизимла-  
ри комплекслари ишлаб чиқи-  
либ, ишга туширилди. Бугунги  
кунда интерактив давлат хизмат-  
лари жисмоний ва юридик шах-  
слар, кўчмас мулк, автотранспорт  
воситаларининг маълумотлар ба-  
залари, шунингдек, маълумот-  
номалар ва классификаторларнинг  
маълумотлар базасидан фойдалан-  
ган ҳолда тақдим этилмоқда.

Ягона интерактив давлат хиз-  
матлари портали 2013 йилда яра-  
тилган бўлиб, бугунги кунда  
300дан зиёд давлат хизматлари-  
дан фойдаланиш имконини бе-  
ради. 2017 йил май ойида 65та  
хизматни тақдим этувчи ЯИДХП  
(my2.gov.uz)нинг янги талқини  
ишга туширилди. Унда қуйида-  
ги функциялар жорий этилган:

- фойдаланувчилар ҳақидаги  
маълумотларни марказий маълумотлар  
базасидан фойдаланиш  
орқали автоматик тарзда олиш;

- “Электрон ҳукумат” фойда-  
ланувчиларини аниқлашда Ягона  
идентификация тизимидан фой-  
даланиш имконияти;

- жисмоний ва юридик  
шахслар учун шахсий кабинет-  
ларни яратиш имконияти.

Бундан ташқари, фуқаролар  
ва тадбиркорлик субъектлари 50дан  
ортиқ турдаги фаолиятни лицен-  
зиялаш учун ЯИДХП орқали ариза  
топшириши мумкин. Хусусан,  
кўчмас мулк, божхона, солиқ ва  
архив ишлари йўналишлари шу-  
лар жумласидандир. Шу билан  
бирга, фуқаролик ва хориж пас-

портлари учун электрон аризаларни  
расмийлаштириш мумкин.

Фуқаролар орасида фойдала-  
нилаётган электрон ҳукуматнинг  
бошқа бир қатор лойиҳалари ҳам  
катта муваффақиятларга эриш-  
ган. Хусусан, id.gov.uz Ягона  
идентификация тизими электрон  
рақамли имзодан фойдаланган  
ҳолда барча электрон ҳукумат  
тизимда ҳар бир шахс учун битта  
ҳисоб қайдномасини яратадиган  
қудай воситадир. Очиқ маълумотлар  
портали (data.gov.uz) 128

яси қондаларига мувофиқлигини  
тасдиқловчи очиқлик, ошкоралик  
ва сўз эркинлиги тамойиллари асо-  
сида иш олиб боради. SOVAZ  
порталининг янги талқини 2018  
йилда ишга тушириш режалашти-  
рилган бўлиб, унда давлат орган-  
лари онлайн тартибда норматив-  
ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари  
бўйича овоз беришлари мумкин.  
Келгусида уни “Электрон пар-  
ламент” тизими билан интег-  
рациялаш режалаштирилган.

Бугунги кунда электрон ҳуку-  
матни ривожлантириш даража-  
сига кўра дунёдаги мамлакатлар  
рейтингида Ўзбекистон мавқеи  
анча кўтарилган. Бирлашган Мил-  
латлар Ташкилотининг Электрон  
ҳукумат бўйича (2016) тадқиқо-  
тида Ўзбекистон 20 поғона юқори  
ўринга кўтарилди ва 193 давлат  
орасида 80-ўринни эгаллади.  
Миллий электрон ҳукуматни  
янада ривожлантиришнинг му-  
ҳим натижаси сифатида, Ўзе-  
бекистон 2030 йилгача БМТнинг  
Электрон ҳукуматни ривожлан-  
тириш индекси ва Бутунжаҳон  
банкнинг Тадбиркорликни  
юритиш индексида 30та энг ри-  
вожланган мамлакатлар сафига  
кириши керак. Шу мақсадда,  
келгусида ақли технологиялар-  
дан фойдаланган ҳолда электрон  
ҳукуматни ривожлантириш ва  
ахборот хавфсизлиги масалала-  
ри бўйича электрон ҳукумат  
хизматларини тўлиқ интег-  
рациялаш кўзда тутилмоқда.

Тадқиқотнинг яна бир муҳим  
кўрсаткичи БМТнинг фуқаролар,  
корхоналар ва давлат ҳокимия-  
ти органлари ўртасида мулоқот  
қилиш учун АКТдан фойдала-  
ниш самардорлигини баҳолай-  
диган индекс (E-Participation  
Index) ҳисобланади. Ўзбекистон  
2014 йилда 71-ўринда бўлган  
бўлса, 2016 йилда 47та поғона  
нага кўтарилиб, рейтингда 24-  
ўринни эгаллади. Сўров нати-  
жаларига кўра, алоқа порталлари  
(e-kommunal.uz), Очиқ маълумот-  
лар портали (data.gov.uz) ва қонун  
ҳужжатларини муҳокама қилиш  
порталининг (regulation.gov.uz)  
ишга туширилиши жамоатчилик  
билан очиқлик, ошкоралик ва са-  
марали мулоқотни таъминлаш-  
нинг асосий омили бўлди.

Юртимизда электрон ҳуку-  
мат тизими кундан-кунга ри-  
вожланиб бормоқда. Унинг асо-  
сий вазифаси эса аҳоли учун  
ҳақикатда фойдали бўлган  
халқнинг талаб ва эҳтиёжла-  
рини ҳисобга олган ҳолда давлат  
хизматларини тақдим этиш тар-  
тибини доимо такомиллашти-  
риб бориш, хусусан, аҳоли ва  
тадбиркорлик субъектларига  
электрон хизматлар кўрсатиш  
бўйича интерактив фаолиятни  
таъминлашдир.

**Нарзига АЗИМОВА,**  
Электрон ҳукумат тизимини  
ривожлантириш маркази  
ахборот хизмати раҳбари

**Электрон ҳукумат,**

**бу – рақамли  
технологиялар,**

**интернет ва  
замонавий оммавий**

**ахборот воситалари**

**асосида давлат**

**хизматларини**

**тақдим қилиш**

**жараёнини,**

**фуқаролар ва**

**бошқарув**

**органларининг**

**ўзаро муносабат-**


**ларини доимий**

**оптималлаштириш**

**демакдир.**



# ДЕВОРЛАРНИ ОЛИБ ТАШЛАШ ВАҚТИ КЕЛМАДИМИ?



◀1-бет.

## Аҳволимиз

Мамлакатимизда ўтган йили рақамли телевидение қамрови 88 фоиздан 100 фоизгача етказилди. Мобил алоқадан фойдаланувчилар сони 7 фоизга ошиб, 22,8 миллионга етди. 2017 йилда ахборот технологиялари соҳасида 7,7 триллион сўмлик ёки 2016 йилга нисбатан 26 фоиз кўп хизмат кўрсатилди. Инвестиция дастури доирасида 260 миллион доллар ўзлаштирилди. Бу маълумотлар 9 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижаларини баҳолашган йилгилишида айтиб ўтилган.

**Интернет телеканалнинг анъанавий рақамли телеканалдан фарқли жиҳати — ундаги ахборотлар интернет фойдаланувчиларига ихтисослашган бўлиб, кам вақт ичида кўп ва фойдали ахборотлар бериш асосий вазибаларидан биридир.**

## Интернет телеканаллар нима?

Энди умумий назариямиздан четлашмаган ҳолда интернет телеканалларга тўхталадиган бўлсак, уларни бугунги рақамли телеканалларимизнинг интернет аудиторияси учун ихтисослашган шакли дея тасаввур қилиш мумкин. Унда ҳам ахборотлар ва кўрсатувлар анъанавий телеканаллар сингари маълум вақт ичидаги даврийлик асосида бериб берилади. Кўрсатувлар йўналишларига қараб маълум топикларга бўлиниб, жўлиниб берилади. Бунда бериладиган ахборотлар юқори сифатга эга бўлиши — бугуннинг энг катта талаби. Чунки бугун медиаконтентнинг ранг-баранглигига, инфографик эффектиларга бойлигига қараб томошабинлар аудиторияси ошиб бормоқда. Чет элларда жуда кўплаб интернет телеканаллар бор. Масалан, МДХ мамлакатлари ичида биринчи ўринда турган “СarambaTV.ru”ни олайлик. Ушбу интернет телеканал Беларус мамлакатида 2010 йили ташкил этилган. Ушбу интернет телеканал ҳақидаги маълумотларни излаб [ru.wikipedia.org](http://ru.wikipedia.org)га мурожаат қилганимизда қуйидаги маълумотларга қўзимиз тушди:

- Сайтта кунига 120 мингта уникал фойдаланувчи киради.
- “СarambaTV.ru”нинг “ВКонтакте” ижтимоий тармоғидаги гуруҳида 424000 аъзоси бор.
- “СarambaTV.ru”нинг Facebook.com ижтимоий тармоғида 143639га “like”лар мавжуд.
- “YouTube.com” медиахостинг каналидаги аъзолари сони 9 070 463 нафар (14.03.2018 ҳолатига кўра).

Яна бир қизиқ маълумот

шуки, ушбу интернет телеканал “YouTube.com” медиахостинг канали билан ҳамкорликда ишлаяпти. Бу эса яхшигина даромад манбаи. Бундан ташқари, интернет телеканални дунёнинг турли бурчакларида, турли қирилмалар ёрдамида, исталган вақтда томоша қилса бўлади.

## Деворлар

Интернет телеканалнинг анъанавий рақамли телеканалдан фарқли жиҳати ҳам шу — ундаги ахборотлар интернет фойдаланувчиларига ихтисослашган бўлиб, кам вақт ичида кўп ва фойдали ахборотлар бериш асосий вазибаларидан биридир. Рақамли телеканалларда эса бу қулайлик йўқ, Фикрини мисоллар билан исботлашга ҳаракат қиламан.

Биринчидан, рақамли телеканаллар кўрсатувлари (60-70 фоиз) жуда ҳам кўп вақтни олади. Бу эса томошабиннинг меъдасига тегиши мумкин. “Рақамли телекўрсатувлар”нинг кўпи “муқимлик ботқоғи”га ўрнашиб қолган. Уларда анъанавийлик шу даражада кучлики, умуман одамга таъсир қиладиган, томошабинларнинг эътиборини тортадиган яратувчанлик, креатив ёндашув сезилмайди. Интернет телеканалларда эса қисқа, лўнда, аммо динамик кўрсатувлар тақдим этиб борилади. Томошабинларнинг сонини кўпайтириш, “ёқди”лар сонини ошириш учун доимо креатив ёндашув талаб қилинади. Интернет телеканалларда фаолият юритаётган ходимлар томошабинларнинг муносабатини ҳам ўрганиб боради. Бу эса умумий статистикани кўзатиб бориш имконини беради.

Иккинчидан, анъанавий рақамли телеканалларда кўрсатувлар бир марта берилади. Айтайлик, сизнинг вақтингиз (ишга кетишингиз керак, йўлдасиз ва ҳоказо) ўзингиз ёқтирган телекўрсатув вақти билан мос келмайди. Лекин барибир ТВ шу кўрсатувни ўзи белгиланган пайтда кўрсатади, бироқ сиз уни кўра олмаслигингиз мумкин. Яъни, анъанавий рақамли телеканал томошабинлар билан ҳисоблашмайди. Бу эса биз каби томошабинларга “Ҳоҳласанг кўр, хоҳласанг...” қабиллида таъсир қилади. Интернет телеканалларда бунга йўл

қўйилмайди. Унга жойланган кўрсатувни бир йил ўтгандан сўнг ҳам қайта-қайта кўраверасиз. Қизиқ кўрсатувни юклаб олиш ҳам мумкин. Бошқаларга улашсангиз ҳам бўлади.

Учинчидан, анъанавий телеканаллар юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бир марта (кўп ҳолларда шундай) намоёйиш этилгани боис, баъзи бир ахборотлар чуқур ўрганилмайди. Ёки баъзида хато ўтиб кетиши мумкин: ким уни айтади? Кимнинг ортиқча вақти борки, алоҳида шу иш билан шугулланса! Интернет телеканалларда эса томошабин “изоҳ” қолдира олади. Томошабин реал вақт ичида ўз фикр мулоҳазаларини, тақлифтанқидларини бериб бориши мумкин. Бу эса том маънода очиқликни таъминлайди. Шунингдек, кадрларнинг савиясини ҳам кучайтириб туради.

Тўртинчидан, интернет телеканаллар фойдаланувчилар хоҳишига кўра фаолият юритади. Анъанавий рақамли телеканалларда кўрсатув томошабинларни танласа, интернет телеканалларда томошабинлар кўрсатувларни танлайди. Ўзига мос кўрсатувларни кўриш мумкин. Хуллас, мутаносиб ва номуносивликлар ортиб бормоқда. Давр ва ахборотлар оқимининг тезлиги бир-бирига тўғри пропорционал даражада ўсмоғи лозим.

Айтмоқчиманки, бугунги кунда анъанавий телеканаллар билан томошабинлар орасида жуда ҳам катта тўсиқ — девор пайдо бўлган. Бу деворни эса интернет ва интернет телеканаллар емира олади, холос.

## Ҳамма ҳам қўл қовуштириб ўтиргани йўқ

Шуни таъкидлаш ўринлики, юртимизда аллақачон интернет телеканаллар яратиш ишлари бошлаб юборилган. Масалан, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети бир гуруҳ ижодкор талабалари томонидан ушбу лойиҳа амалга татиқ этилмоқда. Лойиҳа “INTV.UZ” номи остида миллий интернет кенгликларимизда, чет эл меди-

ахостинг каналларида ўз фаолиятини юритиб келмоқда. Қарийб икки йилга яқин вақт ичида ушбу интернет телеканал кўрсатувларини кўришлар сони бир миллиондан ошди. Шунингдек, бошқа медиахостинг каналлар, ижтимоий тармоқлар қамраб олинган. Ҳозирча “INTV.UZ” лойиҳаси ёшларга мос, уларнинг тилидан, дунёқарашларига хос кўрсатувлар тайёрлаб, жойламоқда.

Айни пайтда интернет кенгликлариди ўз саҳифалари, каналларига эга анъанавий телеканалларни ҳам тилга олмасак адолатдан бўлмас. Масалан, “Ўзбекистон 24”. Телеканалнинг “YouTube.com” хостинг каналлида, “Facebook.com”, “Twitter.com” каби ижтимоий тармоқларда саҳифалари, телеграм мессенжерда канали бор. Ўзгича берган бўлсангиз, “Ўзбекистон 24” каналли берилган кўп сонли кўрсатув “майдаланиб”, маъзи ҳам бериб борилади. Кўплаб изоҳлар мавжуд. Бу интернет-телеканал учун замин ҳозирланаётганидан далолатдир.

## Чапаклардан амалий ишга ўтиш пайти

Каминанинг мақсади оламларни анъанавий рақамли телеканаллардан буткул воз кечишга чақириб ёки интернетга боғлаб қўйиш эмас. Ҳаммаси ўз вақти билан. Вақт ўтгани сайин инсонларнинг интернетдан фойдаланиши ошиши баробарида менталитетимизга хос медиа маҳсулотлар сони ошиб бораверади. Яъни, ўзбек тилидаги ишончли ахборотларнинг фойдаланувчиларни қониқтирадиган даражадаги контентни яратилсагина миллий интернет кенгликлари мизни том маънода бой, деб айта оламиз. Бунинг учун эса бугундан тайёргарлик қўриб боришимиз лозим. Зотан, дунё шиддат билан ривожланипти. Биз ҳам унинг бир бўлган бўлмасак, яқин келажак авлодга бўм-бўш интернет маконини мерос қолдирамиз. Бундан ҳам ёмон, менталитетимизга ёт “ўзга дунё” вакиллариди виртуал кенгликдаги ҳудудларимизни чапак чапиб топшириб қолаверишимиз мумкин.

Ғулумжон НАЗАРОВ,  
ТАТУ 4-босқич талабаси,  
“INTV.UZ” муҳаррири



## ЗАКОНЫ В УЗБЕКИСТАНЕ БУДУТ РАЗРАБАТЫВАТЬ И ПРИНИМАТЬ ПО-НОВОМУ

В разработке нормативной базы будут активно использовать технологии, а сама она будет направлена на создание благоприятных условий для бизнеса.

Законы в Узбекистане теперь будут разрабатывать по-новому, в частности, повысят уровень использования ИКТ и интернета. Это предусмотрено распоряжением Президента Шавката Мирзиёева «Об организационных мерах по обеспечению своевременной и качественной разработки Концепции совершенствования нормотворческой деятельности».

Документом поручено создать Рабочую группу, которая и займется разработкой долгосрочной (до 2027 года) Концепции совершенствования нормотворческой деятельности.

К разработке концепции будут привлечены иностранные специалисты, ведущие ученые, будет использован краудсорсинг (широкое общественное обсуждение).

Сама концепция должна обеспечить внедрение современных информационно-коммуникационных технологий в процесс разработки законов.

Должна быть сформирована прогнозируемая, последовательная и стабильная законодательная база, направленная на создание благоприятных условий для ведения бизнеса и укрепление инвестиционного климата в стране.

В целом же, в нормотворческой деятельности будут применяться инновационные механизмы и подходы, с полным отказом от старой, бюрократической и не оправдавшей себя системы.

Проект концепции должен быть готов уже к 1 августа.

## ВСТРЕЧА С ПРЕДСТАВИТЕЛЯМИ УЗБЕКСКО-ЯПОНСКОГО ЦЕНТРА

27 марта 2018 года в Центре развития системы «Электронное правительство» состоялась встреча с представителями Узбекско-Японского центра (UJC).

В ходе встречи были рассмотрены возможности и пути оказания поддержки малому и среднему бизнесу Узбекистана посредством сотрудничества между Центром развития системы «Электронное правительство» и Узбекско-Японским центром.

Также в рамках визита были обсуждены вопросы проведения тренинг-семинаров для повышения квалификации сотрудников ЦЭП.

Стороны обсудили вопросы, представляющие взаимный интерес для обеих стран, выразили готовность к дальнейшей совместной работе.

## С 10 МАЯ ГОСУДАРСТВЕННЫЕ ДОЛИ В КОМПАНИЯХ МОЖНО БУДЕТ ПОКУПАТЬ ОНЛАЙН

С 10 мая государственные доли в компаниях можно будет купить онлайн. Это предусмотрено постановлением Кабинета Министров «О мерах по внедрению электронных торгов при реализации и предоставлении в аренду государственных активов».

Документом утверждена дорожная карта, одним из пунктов которой указано «выставление на электронную единую торговую площадку E-ijro Aukcion государственных объектов недвижимости, в том числе по нулевой выкупной стоимости, а также государственных долей в уставных фондах обществ с ограниченной ответственностью».

Срок — 10 мая. Ответственными назначены Госкомконкуренции, хокимият Ташкентской области и ГУП «Центр по организации электронных онлайн-аукционов».

## Трибуна специалиста

# ЦЕЛЬ СОЗДАНИЯ базовой организации по стандартизации

Базовая организация по стандартизации Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан функционирует при Государственном унитарном предприятии Центр научно-технических и маркетинговых исследований — "UNICON.UZ" (ГУП "UNICON.UZ") с 1997 года.

Для удобства пользования фондом нормативных документов и предоставления оперативной и достоверной информации создана Автоматизированная система банка данных нормативных документов.

Цель создания Базовой организации по стандартизации в сфере информационных технологий и коммуникаций — осуществление научно-технического и организационно-методического руководства работами по стандартизации, а также обеспечение технического единства требований по этим работам путем координации работ служб стандартизации (уполномоченных по стандартизации) на хозяйствующих субъектах сферы информационных технологий и коммуникаций.

Базовая организация по стандартизации:

- координирует выполнение работ по стандартизации, проводимых в сфере информационных технологий и коммуникаций;

- оказывает методическую, консультационную помощь по вопросам стандартизации предприятиям и организациям информационных технологий и коммуникаций;

- проверяет деятельность служб стандартизации (уполномоченных по стандартизации) предприятий и организаций сферы информационных технологий и коммуникаций;

- оказывает методическую помощь предприятиям и организациям сферы информационных технологий и коммуникаций в разработке планов и подготовке отчетов о выполнении работ по стандартизации и мероприятий по внедрению нормативных документов;

- обеспечивает формирование и ведение отраслевого фонда нормативных документов, организацию учета, хранения и внесения изменений в них;

- формирует проекты ежегодных планов разработки нормативных документов; сферы информационных технологий и коммуникаций;

- ведет Справочно-информационный фонд нормативных документов сферы информационных технологий и коммуникаций на бумажных носителях;

- формирует и ведет Автоматизированную систему "Банк данных нормативных документов" и т.д.

Для обеспечения широкого применения в деятельности хозяйствующих субъектов сферы информационных технологий и коммуникаций международных, государственных, национальных, региональных и государственных стандартов создан и ведется Справочно-информационный фонд нормативных документов.

Структуру фонда составляют нормативные документы международных, региональных организаций по стандартизации (ISO, IPU, ETSI), межгосударственные стандарты; государственные стандарты; руководящие документы и рекомендации Узбекистана; отраслевые нормативные документы на бумажных и электронных носителях, отчеты по научно-исследовательским работам.

Фонд нормативных документов сферы информационных технологий и коммуникаций охва-



тывает следующие направления: радиосвязь, телекоммуникации, сотовая связь, телевидение, электромагнитная совместимость, криптографическая защита информации, информационная безопасность, электронный документооборот, межведомственное взаимодействие; программирование; почтовая связь; информационно-библиотечная деятельность, статистическая отчетность, эксплуатация оборудования и др.

Для удобства пользования фондом нормативных документов и предоставления оперативной и достоверной информации создана Автоматизированная система банка данных нормативных документов (АС БДНД), содержащая всю необходимую информацию о документах сферы информационных технологий и коммуникаций и тексты нормативных документов в формате PDF.

Доступ к АС БДНД осуществляется через сеть интернет по адресу [stt.unicon.uz](http://stt.unicon.uz).

БОС постоянно взаимодействует со службами и уполномоченными по стандартизации, проводит

специальные семинары и обучающие курсы, координирует выполнение работ по стандартизации, оказывает методическую помощь в разработке планов, подготовке отчетов о выполнении работ по стандартизации и мероприятий по внедрению нормативных документов хозяйствующим субъектам в сфере информационных технологий и коммуникаций.

При выборе направлений и методов работы по стандартизации в сфере ИКТ необходимо учитывать изменения, происходящие в мировой практике. Большое значение необходимо уделять разработке и принятию новых международных стандартов по взаимодействию сетей телекоммуникаций, электромагнитной совместимости, информационной безопасности, электронному документообороту, электронному правительству и другим не менее актуальным направлениям.

**Елена СИНЯШИНА,**  
начальник отдела Базовой организации по стандартизации ГУП "UNICON.UZ"



# ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРИШ ИМКОНИЯТИ

АКТ АТРОФ-МУҲИТНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШДА  
ИНСОНЛАРГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРАДИ?



Тадқиқотчилар турли экологик жабҳаларни — шаҳар ичида муқобил автотранспорт воситаларидан тортиб дунё бўйлаб қазиб олинadиган ёқилғиларгача ўрганиш учун компютерлардан фойдаландилар.

**А**троф-муҳитнинг баъзан инсон организми меъёрӣ фаолияти учун умуман бегона бўлган турли моддалар билан ифлосланиши соғлиғимиз ва келажак авлод фаровонлиги учун жиддий хавф ҳисобланади. Шунинг учун экологик муаммолар кечиктириб бўлмайдиган ечимларни талаб этади. Бу борада атроф-муҳитга ҳўжа-лик фаолиятининг зарарли таъсирини камайтириш, атмосферага захарли моддаларни чиқаришнинг энг кам даражасига эришиш зарур. Бу борада дунёнинг кўплаб давлатларида соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш орқали кутилган самарага эришил-моқда.

## ОРОЛ ДЕНГИЗИДАН АФРИКА ТРОПИК ЎРМОНЛАРИГАЧА

Ахборотни йиғиш, сақлаш, таҳлил қилиш ва тарқатишга ёрдам берадиган ахборот-коммуникация технологияларининг жадал глобал тарқалиши замонавий жамиятни ривожлантиришда кучли омил ҳисобланади. Шунга таъкидлаш жоизки, АКШ ахборот технологиялари тараққи-ёти бўйича жуда катта натижа-ларга эришди. Компютерлар ор-қали яратилган ва ТСВК (Ток-сикантлар бўйича Кремний во-дӣйси коалицияси) веб-сайтга жойлаштирилган ифлосланиш ҳақидаги маълумотлар ахборот технологиялари атроф-муҳитни назорат қилишда инсонларга қан-дай ёрдам беришига бир мисол-дир.

Бошқа мисоллар ҳам кўп. Ма-салаан, сунъий йўлдош датчик-

лари бугунги кунда атроф-му-ҳитдаги ўзгаришлар фотосурат-ларини аввалгидан анча аниқ тақдим эта олади. Шундай су-ратларга жануби-шарқий Афри-ка тропик ўрмонларида ёнғин-ларнинг тарқалиши, Антарктида устида озон қатламининг йўқо-лиши, Орол денгизи улчами ва сувининг қисқариши кабиларни киритиш мумкин.

Ҳозирда кўплаб сунъий йўлдошлар инсониятнинг Ерда-ги фаолиятини ҳам суратга ол-моқда. Бу йўналишда Европа космий агентлиги (European Space Agency, ESA) старлича фаол иш олиб борапти. Бунга "Атроф-му-ҳитнинг глобал мониторинги ва хавфсизлик" лойиҳасини мисол келтириш мумкин. Сунъий йўлдош маълумотларининг ўсиб бораётган оқими табиатдан фой-даланишни бошқариш, табиий ва техноген офатлар оқибатини ба-ҳолаш ҳамда инсонпарварлик ёрдамлари етказиб бериш учун бебаҳо маълумотларни тақдим эт-моқда.

ЮНЕСКО ва ЕСАнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига ки-ририлган объектларни сақлаб қолиш бўйича қўшма лойиҳасини ҳам айтиб ўтиш лозим. Бу ерда гап турли меъморий ва табиий ёдгор-ликларнинг, шунингдек, ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвон ва ўсимликлар турлари миллий боғ-лари ва яшаш жойларининг дои-мий мониторингини олиб бориш ҳақида бормоқда.

## ГЕОГРАФИК АХБОРОТ ТИЗИМИ

Географик ахборот тизими (ГАТ) — бу бизни ўраб турган табиий муҳит объектларини, шу-нингдек, унда содир бўладиган реал ҳодисаларни хариталаш учун замонавий компютер технология-си ҳисобланади. Тизим компю-терлари ва ахборот таъминоти сунъий йўлдош орқали олинган тасвирларни сақлаш, таҳлил қилиш ва улардан оқилона фой-даланиш имконини беради. Бу маълумотлар ердаги асосланган кузатувлар ва бошқа маълумот-лар билан бирга тадқиқотчиларга ҳавонинг ифлосланиши ва бошқа экологик хавфларни тадқиқ қилишга, ресурсларга бой худуд-лар ва атроф-муҳит ўзгаришлар-ини моделлаштиришга ёрдам бериши мумкин. Бундан ташқар-и, бу қарор қабул қилиш ва режалаштириш учун кўмак бе-риб, атроф-муҳитга бўлган му-

носабатимизни яхшилайти. Шу боис, тадқиқотчилар турли эко-логик жабҳаларни — шаҳар ичи-да муқобил автотранспорт воси-таларидан тортиб дунё бўйлаб қазиб олинadиган ёқилғиларга-ча ўрганиш учун компютерлар-дан фойдаландилар.

ГАТ кўплаб қатламлар (бўлак-лар) маълумотини ўша жойга боғ-ланган ҳолда сақлайди. Маълумотлар қатлами сунъий йўлдош тасвирларини, топогра-фия, давлат чегаралари, дарёлар, автострадалар, электр узатиш ли-ниялари, ифлосланиш манбалари, ёввойи табиат майдонларини ўз ичига олиши мумкин. Тизимда сақланadиган хариталар катта миқ-дордаги маълумотларни сақлаш ва комплекс ҳисобларни амалга оши-радиган компютерлардан фойда-ланишга имкон беради.

Географик маълумотларни тўлиқ таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш учун ажойиб имко-ниятлар мавжуд. ГАТ бу борада асосий восита ҳисобланади. Шун-дай қилиб, бу тизим технология-си муаммоларни таҳлиллаш ва ҳал этишнинг янги, янада замо-навий ва самарали, қулай ва тез-кор воситасини тақдим этади.

## ЭКОЛОГИК ГУРУҲ ФАОЛЛАРИГА КўМАК

Компютер дастурлари ёқилги қазиб олиш натижасида ажралиб чиқадиган олтингургут оксиди чи-қиндилари келтириб чиқарадиган кислота ёмғири оқибатида Скандинавия кичик дарёларидаги ба-ликлар ҳамда Германия Қора ўрмони дарахтларининг нобуд бўлишига олиб келадиган ҳавонинг трансчегаравий ифлослани-шини тўхтатиш бўйича Европа-даги ҳаракатларга ёрдамлашади. Австриядаги нодавлат тадқиқот институти олимлари томонидан ишлаб чиқилган модел эса олтин-гургут чиқиндиларининг атроф-муҳитга таъсирини ҳар томонла-ма таҳлил қилиш имконини бе-ради. Бундан ташқари, ГАТ эко-логик гуруҳ фаолларига ифлосла-нишнинг маҳаллий манбаларини аниқлашга, ривожланаётган дав-латлар энергетика бошқармалари-га шамол турбиналари каби қайта тикланувчи энергия манбаларини жойлаштириш бўйича энг мақбул худудларни аниқлашга ҳамда та-биатни муҳофаза қилувчи гуруҳ-ларга табиий ресурсларни бошқа-риш ва биологик хилма-хиллик-ни сақлаб қолиш бўйича самара-ли стратегияларни ишлаб чиқиш-

га ёрдам беради.


Нью-Йоркдаги Жамоатчилик гоёялари бўйича тадқиқот гуруҳи узининг шаҳар хариталаш лойи-ҳаси орқали хариталарни маҳал-лий фаолларга бериш қандай қу-чага эга эканлигини намойиш этди. Фаоллар олдий ГАТдан кенг фойдаланган ҳолда Нью-Йоркнинг ифлосланган туманла-ри ва унинг атрофидаги ахлат ташиш станциялари, нефтни қайта ишлаш заводлари каби корхоналар жойлашган худудлар, каналлаштириш тизимлари ва астма касал-ликлари юқори даражада бўлган жойлар хариталарини яратишга муваффақ бўлишди.

Табиатни муҳофаза қилувчи бир қанча йирик ташкилотлар ҳам ГАТдан кенг фойдаланади. Ривож-ланаётган мамлакатларга ушбу те-хнологияни олиб кирган Вашинг-тоннинг Conservation International ташкилоти ГАТдан фойдаланган илк ташкилот ҳисобланади. Гуруҳ инглиз, португал ва француз тил-ларида нисбатан арзон тизим иш-лаб чиқди ҳамда миллий парклар ва бошқа табиий ресурсларни ях-широқ бошқариш мақсадида маълумотлар базалари ва хариталар-ни яратиш учун маҳаллий мута-хассисларни тайёрлашга катта сар-моя киритди. Бугунги кунда ушбу компютер дастури 30га яқин мам-лакатларнинг 200дан ортиқ таш-килотлари томонидан фойдала-нилмоқда.

Бошқа бир экологик гуруҳ — Ёввойи табиат фонди (WWF) ГАТни атроф-муҳит муҳофазаси-нинг кенг diapазондаги — ма-ҳаллийдан глобалгача лойиҳа-ларида самарали қўлайди. Бу гуруҳ сунъий йўлдошлардан олинган тасвирларни миллий боғлар каби маълумотларнинг бошқа кўплаб турли кўринишлари билан бир-лаштириб, маҳаллий ва давлат органларида биологик хилма-хил-ликни сақлашнинг устувор йўна-лишларини аниқлашга ёрдам бе-риши мумкин.

**Х**улоса қилиб айтиш мум-кинки, ахборот-комму-никация технологиялари нафақат дунёқарашимизни шакллантира-ди, балки дунёни ўзгарттириш имкониятимизни оширади. Биз соғлом ва адолатли келажак кўриш учун ушбу воситалардан фойдаланишга масъулмиз.

Озодахон ЙўЛДОШЕВА,  
ТТЕСИ "Меҳнат муҳофазаси ва экология" кафедраси мудири,  
доцент





## 8 | ҲАРБИЙ ҚАСАМЁД

Наврўз шукуҳи кезиб юрган шу кунларда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да янги келган аскарларнинг ҳарбий қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди.



# ВАТАН ҲИМОЯСИ УЧУН ТАЙЁРМАН!

Маросимда Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокими ўринбосари Хуршид Тошпўлатов, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари Баҳром Олматов, шунингдек, аскарларнинг ота-оналари ва яқинлари иштирок этишди.

Тадбирда бошқарма бошлиғи полковник Б.Аденов мамлакатимизда ташкил этилган профессионал миллий армиямиз давлатимиз суверенитети, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва

халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ишончли таъминлашда юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Шундан сўнг аскарларни табриклаш учун сўз олган Зангиота тумани ҳокими ўринбосари Х.Тошпўлатов Президентимиз ташаббуси билан республикаимизнинг ҳар бир ҳудудда ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилиб, уларга бевосита раҳбарлик қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари зиммасига юклатилган-



**Баҳром ОЛМАТОВ,**  
Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари:

— Бугун биз катта ғурур ва ифтихор билан айта оламизки, ўғлонларимиз учун мамлакатимиз Куролли Кучлари сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланди. Она Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг бурчидир. Ушбу мажбурият мамлакат қомусида ҳам ўз аксини топган. Бироқ, конституциявий бурчни бажаришнинг асосий юки шартнома асосидаги ва муддатли ҳарбий хизматчиларимиз зиммасидадир. Шу боис ҳар бир ҳарбий хизматчи Ватанимиз мустақиллигини ҳимоя қилиш, унинг Куролли Кучлари салоҳиятини ошириш бўйича ижтимоий-сиёсий, маънавий, иқтисодий, илмий-техник билимларни ҳаётга татбиқ этишда фаол қатнашиши лозим. Ҳарбий қасамёд ёш аскарнинг она Ватанга содиқ бўлишга берган муқаддас онтидир.

лиги, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида мустақкам ҳаётини позиция ва Ватанимиз тақдирини учун юксак масъулият туйғусини шакллантириш мақсадида ватанпарварлик тарбиясига аҳолиснинг кенг қатламлари қамраб олинганлигини таъкидлади.

Шунингдек, тадбирда аскарлар ота-оналари вакиллари, муддатли ҳарбий хизматчилар ҳам сўзга чиқиб, ҳарбийликка қалам қўйган ёшларга мустақкам соғлиқ, хизматларида ютуқлар тилашди.

Бошқарманинг "Импульс" ҳарбий ансамбли ва оркестри ижросидаги муддатли ҳарбий хизматчилар жўрлигида айтилган қўшиқлар йнгилашларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, "Алоқачилар" қўшиғига ҳарбий хизматчилар ва алоқа автомобил техникаларининг кўргазмали чиқиши барча қатнашчилар диққат марказида турди.

Шу кунини 23-Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам саф тайёргарлиги чиқишлари билан иштирок этишиб, барчага ўзига хос ҳавас ва кўтаринки кайфият улаштирди.

Тадбирдан сўнг бошқарма бошлиғи Б.Аденов аскарларнинг ота-оналари, яқинлари билан мулоқот ўтказиб, уларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берди. Ота-оналар ҳарбий қисмда аскарлар учун яратиб берилган шароитлар билан яқиндан таништирилди.

Юртимиз нурли истиқбол учун унинг давлат манфаатлари ва мустақиллиги ҳимоячиси бўлишга қасамёд этган азамат ўғлонлар ҳали ҳар томонлама тобланадилар, чиниқадилар. Уларда сабр-тоқат, метин ирода, масъулият ҳиссини англаш каби фазилатлар янада шаклланади.

Усмонов Йўлдошев,  
"Xabar" муҳбири

Суннат НАЖИМОВ олган суратлар

МАЪРИФАТ ДАРСИ

## ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ

Марказий Осиё мамлакатлари халқларини кўп минг йиллик қардошлик ва қўшнилик ришталари боғлаб туради. Тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради. Минтақамизда дунё тамаддуни ривожига улкан таъсир кўрсатган ноёб маданият ва тараққиёт мавжуд бўлиб, бу Марказий Осиё мамлакатларининг умумий келажаги, барқарор ривожланиши ва фаровонлигини таъминлашда мустақкам пойдевор бўла олади.

Давлат фелдъегерлик хизмати шахсий таркиби иштирокида ўтказилган маърифат дарсида ана шулар ҳақида сўз юритилди. "Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви" мавзудаги ушбу маърифат дарси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилнинг 15 мартда Қозғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрида ўтган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашувидаги иштироки, Ўзбекистон ва Қозғистон Президентлари муҳокама қилган икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустақкамлаш масалалари ва томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар бўйича алмашилган фикр-мулоҳазалар шахсий таркибга тушунтирилди. Марказий Осиё давлат раҳбарларининг кейинги маслаҳат учрашувини 2019 йил Наврўз байрами арафасида Тошкентда ўтказишга келишиб олингани юзасидан фикрлашилди.

А.ТУРСУНОВ,  
ДФХ бошқарма бошлиғи  
подполковник

## ФИКР

Ватанга муҳаббат мавҳум тушунча бўлмай, ташкилотчиликни, тараққиёт ва маданиятни талаб қиладиган реал руҳий қудратдир.

А.Н.ТОЛСТОЙ





# РАҚАМЛИ ҲУКУМАТ

## Ўзбекистон делегацияси Сингапур тажрибасини ўрганди

Ўзбекистон делегацияси рақамли ҳукуматни ривожлантириш борасидаги илғор тажрибаларни ўрганиш мақсадида Сингапурга борди.

Сингапур — аҳоли ва бизнесга электрон хизматлар тақдим этиш бўйича дунёнинг етакчи мамлакатларидан бири. 2005-2016 йиллар давомида Сингапур давлат органлари ўз хизматларини электрон шаклда тақдим этишни бошлади. 2005-2009 йиллар давомида 1600та давлат хизматлари (барча хизматларнинг 80 фоизи) электрон шаклга ўтказилди.

Ҳозир мамлакат "Рақамли ҳукумат" тизимини қурмоқда. Мазкур тизим доирасида фуқаролар рақамли давлат хизматларидан қачон хоҳласа ва қерда истаса фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак. Тизим барча идораларнинг фаолияти мутасам бўлган ҳамда фуқаро билан икки томонлама алоқа таъминланган ягона рақамли платформа давлат бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини беради.

Ташриф чоғида Ўзбекистон делегацияси SCEнинг раҳбарлари ва вакиллари "GovTech" ҳукумат технологиялари агентлиги, Сингапур Миллий университетининг Тизимли фанлар институти қoшидаги Электрон ҳукуматнинг етакчилик маркази, "KDi Asia Pte. Ltd.", "Ecquaia", "vCargo Cloud", "SMRT", "ST Electronics", "NCS" ва "Surbana Jurong" компаниялари билан учрашувлар ва музокаралар ўтказди.

Шунингдек, Ўзбекистон делегацияси Нанянг технология университети, Журонг шаҳар кенгаши, Сингапур киберхавфсизлик агентлиги, Сингапур ер транспорт бошқармаси ва "Infocomm Media Development Authority" (IMDA) вакиллари билан учрашди.

Учрашувлар давомида Ўзбекистон вакиллари электрон ва рақамли ҳукуматни ривожланти-



ришнинг асосий босқичлари, "ақлли шаҳарлар" яратиш билан танишишди. Шунингдек, давлат хизматларини кўрсатишда АТ-мутахассислар тайёрлаш ва инновацияларни татбиқ этиш бўйича Сингапур тажрибаси кўриб чиқилди.

Томонлар АТ-инфратузилмани ва маълумотларни қимоя қилишда киберхавфсизлик масалалари, шунингдек, "хавфсиз шаҳар" лойиҳаси амалга оширилишини муҳокама қилишди.

Ташриф доирасида вакиллари билан Сингапурда ишлаб чиқарилаётган ҳамда жорий қилинаётган инновацион лойиҳалар билан танишдилар. Хусусан, Нанянг технология университетида сингапурликларнинг "2 Get There" компанияси билан ҳамкорликдаги ҳайдовчиси шаҳар автобусларининг ишланмаси намойиш этилди. Ҳозирда бундай автобуслар "Чанги" ҳалқаро аэропортида синовдан ўтказилмоқда.

— Ўзбекистон ҳукумати АТ-бозори ва давлат томонидан электрон хизматларни ривожлантиришга катта эътибор қаратапти.

Сингапур Буюк Британия, Австралия ва Жанубий Кореядан кейин БМТнинг электрон ҳукумат рейтингда тўртинчи ўринни эгаллаган. Айни вақтда, Сингапур ялпи ички маҳсулотидagi АКТ соҳасининг улуши 9-11 фоизи ташкил этмоқда, — дейди Ўзбекистон делегацияси аъзоси, Инновация маркази директори ўринбосари Баҳодир Аюпов. — Сингапурга бўлган мазкур ташриф чоғида биз ахборот технологияларини ривожлантириш, "ақлли" ва "хавфсиз" шаҳарлар, шунингдек, АТ-инфратузилма хавфсизлигини таъминлашдаги Сингапурнинг энг яхши тажрибаларини ўргандик. Орттирилган

билимлар э-ҳукумат ва рақамли трансформация бўйича лойиҳаларни амалга ошириш йўналишидаги ўз ишिमизни янада самарали ташкил қилиш имконини беради. Ташриф — биз уларнинг кадрларни тайёрлаш борасидаги тажрибасини янада чуқурроқ ўрганиш учун Сингапур ташкилотлари ва компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйишимиз кераклигини кўрсатди.

Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон делегацияси ўз ташкилотлари учун бизнес-жараёнлар реинжиниринг ҳамда улар фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишди.



### МАЪЛУМОТ ЎРНИДА:

Мазкур таништирув ташрифи АКТ вазирлиги ҳамда БМТДнинг "Самарали давлат бошқарувини ривожлантириш ва Рақамли трансформацияга кўмак" кўшма лойиҳаси доирасида АКТ вазирлиги ва Ҳамкорлик бўйича Сингапур давлат агентлиги (SCE) ўртасида имзоланган Англашув меморандумига мувофиқ ташкил этилди.

## АМЕРИКАЛИК БИЗНЕСМЕН ЎЗБЕКИСТОННИНГ КРЕМНИЙ ВОДИЙСИДАГИ ЭЛЧИСИ БЎЛДИ

Мазкур келишувга америкалик бизнесмен, электрон тижорат соҳасида эксперт, "Openbucks" асосчиси Марк Рочманнинг Ўзбекистонга амалга

оширган тўққиз кунлик ташрифи давомида эришилди.

Ташриф якунига кўра, Инновация маркази дирекциясининг қарори билан Марк Рочманга

Кремний водийси ва жаҳон АТ-ҳамжамиятида махсус сертификат билан тасдиқланган "Mirzo Ulugbek Innovation Center элчиси" мақоми берилди.

Мавжуд шароит билан танишган жаноб Рочман "Openbucks"нинг Ўзбекистон бозорига кириши истикболларини жиддий кўриб чиқмоқда. Мутахассис "ЎзМобайл" компанияси вакиллари билан мулоқотда бўлди. Ушбу мулоқот амалий ҳамкорлик шаклида давом этирилиши эҳтимоли бор.

Марк Рочман МУИСнинг Кремний водийсидаги ва жаҳон АТ-ҳамжамиятининг элчиси сифатида МУИС резидентларини АКШда қўллаб-қувватлайди.

Тез орада Рочман компаниясининг Калифорниядаги офисида "Uzbekistan Work Space" пай-

до бўлади ва резидентлар Кремний водийсига амалга оширган ишбилармонлик ташрифларида у ерда тўхташлари мумкин бўлади. Шунингдек, тadbиркор "Openbucks"нинг шерик ва мижозлари ҳисобланувчи хорижий компанияларни Ўзбекистонга жалб қилишни режалаштирмоқда. Қолаверса, у республикамизни PayPal, App Store, Play Market, Google Pay каби тўлов тизимлари ва халқаро савдо майдонлари рўйхатига киритишга амалий ёрдам беради.

"Mirzo Ulugbek Innovation Center" инновация маркази маълakat АТ-соҳасини жаҳон миқёсида илгари суриш мақсадида таниқли хорижий мутахассисларни жалб қилишни давом эттиради.

Марк Рочман МУИСнинг Кремний водийсидаги ва жаҳон АТ-ҳамжамиятининг элчиси сифатида МУИС резидентларини АКШда қўллаб-қувватлайди.





“Асрни қаритиш” — афеуски, ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бироқ инсон умри узайиб борапти, буни фактлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, XX аср бошида инсоннинг ўртача умр кўриш давомийлиги 50 йил эди. Ҳозир Ўзбекистонда бу кўрсаткич — 73,8 ёш. Замонавий тиббиёт ютуқлари ва техникаси, турмуш фаровонлигининг ошиши, умуман, ҳаёт сифатининг яхшиланиши ҳаммамизда юз билан юзлашишига умид уйғотади.

# 100 ЁШГА КИРИШНИНГ 9 СИРИ

**МУТАХАССИСЛАРНИНГ ФИКРИЧА, ИНСОН 100 ЁШГА КИРИШИ УЧУН ҚҲҲИДАГИ 9 ШАРТГА АМАЛ ҚИЛИШИ КЕРАК ЭКАН:**

**ЁШЛИК ҲИССИ**

Лондонлик олимлар аниқлашича, аслидагидан кўра ўзини ёш тутувчилар орасида ўлим ҳолатлари анча кам кузатилакан. Бекорга айтишмайди-ку ёш бу — шунчаки рақам.

**ОПТИМИЗМ**

Ҳаётингиз сиз уни қандай тасаввур қилсангиз шундай шаклланади. Дунёга умид билан қаранг. Олимлар оптимистлар орасида саратон, инсулт, юрак хасталиклар кам учрашини аниқлашган.

**МЕВА-САБЗАВОТЛАР**

Соғлом овқат узоқ умр гарови экани исбот талаб қилмас ҳақиқат. Кунига камида беш дона мева ва сабзавот ейишни унутманг.

**ДЕНГИЗ МАҲСУЛОТЛАРИ**

Балиқлар таркибида кўп учровчи омега-3 ёғ кислоталари инсон тани учун жуда ҳам зарур. Организмда моддалар алмаши-нувида уларнинг ўрни беқийёс. Ўн олти йиллик тадқиқотлар натижада: ёғ кислоталарини тўйиб истеъмол қилганлар орасида юрак-қон томир хасталиклари 35 фоизга камайган.

**ЯХШИ УЙҚУ**

Грециянинг Икария оролида узоқ умр кўрувчилар жуда кўп экан. Уларнинг бир одати бор — кундузги уйқу (бизда ҳам бор). Балки уларнинг сирини шундадир. Ҳатто кундузги ярим соатлик уйқунинг ўзи юрак касалликлари ривожланиши хавфини 37 фоизга камайтиракан.

**КўП ДўСТЛАР**

Жамиятга кўпроқ сингиб кетган инсон кўп яшашини психологлар уқтиришмоқда. Ҳаммага керакликни ҳис қилиш, доимий мулоқотда бўлиш, яхши кайфият — узоқ умр кўриш гарови.

**ФАОЛ ТУРМУШ ТАРЗИ**

Албатта, ёш ўтиши билан жисмоний фаоллик сусаяди. Бироқ камҳаракатлик учун ёш баҳона бўлмаслиги керак. Ҳеч бўлмаганда энгил машқлар бажариш, тоза ҳавода сайр қилиш керак. Тўхтаб қолманг.

**ТАШҚИ КўРИНИШГА ЭЪТИБОР**

Инсон бир умр ўз қоматини яхши сақлай олмайди, тўғри. Лекин олимларнинг айтишича, белнинг айланаси бевосита саломатлик билан боғлиқ экан. Аёлларда — 78 см., эркакларда — 92 см.дан ошмаслиги керак.



**ЕТАРЛИЧА СУВ ИЧИШ**

Инсоннинг ҳаётида сувнинг ўрнини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Чунки организмимиз 70 фоиз сувдан иборат. Чой, қаҳва, газли ичимликлар тоза сувнинг ўрнини ҳеч қачон боса олмайди. Масалан, бошингиз оғриганда дори ичишга шошманг. Муздеккина тоза сув ҳатто бош оғригини қолдириши мумкин экан.

**КРОССВОРД**

**ЭНИГА:** 10. Ерда шер, осмонда ... 11. Америка ҳиндуси. 12. “Темир хотин”. 13. Ҳарбий пиёда транспорти. 14. Шимолий Америка дарёси. 15. Айёр, макрли. 16. Соат русуми. 18. Барак Ҳусайн ... 20. Энг содда организм. 22. Бош кийим. 24. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг табиий тарқалиш ҳудуди. 25. Бурж. 26. Миллий ҳунармандлик маҳсулоти. 27. Полиз экани. 28. Вақтинча фойдаланиб туриш. 30. Лотерея тури. 37. Қасида. 38. Уйғониш даври. 39. Қайғу. 42. Туянинг “орзуси”. 43. Дўппи тури. 44. Гулхан.

**БўЙИГА:** 1. Кулги ва ҳажв журнали. 2. ... ва кесим. 3. Тамға; муҳр. 4. Мумтоз адабиётда “бешлик” анъана. 5. Балиқ тури. 6. Бия сутидан тайёрланадиган ичимлик. 7. Кўл, сой ва дарё соҳиллари ўсимлиги. 8. Тўсиқ. 9. Мутлақ бушлиқ (физика). 17. Испания жанубидаги митти давлат. 19. Андижон вилоятидаги туман. 21. Финиш. 23. Агата Кристи асарлари қаҳрамони. 29. Рўйхат. 31. Шотланд шахри. 32. Немис бастакори. 33. Мева. 34. Ҳиндистон штати. 35. Камар. 36. ... Бендер. 40. Ўзбекистон 1992 йил 2 март кўни аъзо бўлган халқаро ташкилот. 41. ...-гитара.

**БОШҚОТИРМА**


**ДАВЛАТНИНГ МИЯСИ ВА ЮРАГИ**

Буюк файласуф Жан-Жак Руссонинг айтишича А — давлатнинг миyasi, Б — давлатнинг юраги.

Сизнингча, А ва Б ҳарфлари ўрнига қайси сўзлар яширинган?  
(Жавоби келгуси сонда.)

**Ўтган сондаги бошқотирманинг жавоби “ЭНИГМА” ҚАНДАЙ БУЗИЛГАН?**


Об-ҳаво маълумоти. Инглизлар тонги хабарларда немислар албатта «Wetter» (“Об-ҳаво”) сўзини ишлатишини билишган. Айни шу омил кунига қайтарилувчи кодларни очишда қўл келган.







# КОМПЮТЕР ВА ИНТЕРНЕТ САБОҚЛАРИ



жуда кўп, компютерингизга ўзингиз истаган браузерни ўрнатиб олишингиз мумкин. Масалан, Google Chrome, Mozilla Firefox, Opera ва ҳоказо.

**Windows Media Player** — мусиқа тинглаш ва видео кўришда ишлатилади. Буниям турлари кўп, уларни ҳам интернетдан кўчириб олиб ишлатса бўлади.

**Ўйинлар** — оддий компютер ўйинлари.

## Стандарт дастурлар

**Блокнот** — матн яратиш ва таҳрир қилиш учун содда дастур. Шунга қарамай, у сизга энг кўп керак бўладиган дастурлардан бири.

**Калкулятор** — кенг функцияли ҳисоблагич. Оддий арифметик амаллардан тортиб турли катталикларни ҳисоблашга ишлатиш мумкин.

**Paint** — расмлар чизиш ва график файллар билан ишлашда керакли дастур. Келгусида мураккаб дастурлар (Photoshop, Corel каби)да ишлашдан олдин шу оддий илова кўникмангизни оширишда ёрдам беради.

**Махсус имкониятлар** — имконияти чекланган инсонлар учун бир нечта оддий ва қулай содалар.



**WinRaR (7-Zip, WinZip)** — архиватор, унинг ёрдамида файллар ёки папкаларнинг ҳажмини кичрайтириш мумкин.

## Microsoft Office дастурлари\*



**Microsoft Word** — матн билан ишловчи дастур.



**Microsoft Excel** — ҳисоб-китоблар юриши жадвал ва диаграммалар тузиш, мураккаб функцияларни ҳисоблашда ишлатилувчи дастур.



**Microsoft PowerPoint** — тақдимотлар тайёрлашда ишлатилади.

\*Microsoft Office дастурлари яна бир нечта, ҳозирча энг керакли ва осон ўрганиладиганларига тўхталдик.

## Папка қандай яратилади?



"Рабочий стол" ёки биронта папканинг ичидаги бўш жойда сичқончанинг ўнг тугмасини босинг: рўйхат пайдо бўлади. Курсорни "Создать" нуқтасига олиб борсангиз яна бир қатор пайдо бўлади ва ундаги "Папку" тугмасига сичқонча чап тугмасини бир марта босинг. Янги папка ҳосил бўлади. Ундаги кўк ранга бўялган ҳарфлар ўрнига ўзингиз учун керакли номни киритинг ва Enter клавишини босинг, масалан, Китоблар, Почта ва ҳоказо. Шундай ном танлангки, унга жойланадиган нарсалар папка номига мос бўлсин, шунда уларни топишингиз осон бўлади.

(Давоми. Бошланиши газетанинг ўтган сонларида.)

Сабоқларимизни кўзатиб боринг! 8-дарсимиз папка ва файлларни қайта номлаш, кўчириш, жойлаштиришга бағишланади.

## 7-ДАРС. "Пуск" менюси ва папка яратиш



"Пуск" менюси компютердаги кўп дастурлар, файллар, папкалар ва содаларга киришни таъминлайди.

"Пуск" экраннинг пастки чап бурчагида жойлашган (1). Компютердаги икки асосий ахборот сақлаш жойи — С ҳамда D дискларига кириш учун "Пуск"даги "Компьютер" ("Мой компьютер") тугмасини босиш керак.

Очилган ойнадан ўзингизга керагини — С ёки D дискни танланг. Бунинг учун тегишли ёрлик устида сичқончанинг чап тугмасини икки марта босиш керак.

"Пуск" менюсидаги "Все программы" ("Барча дастурлар") ёрлиги компютерга ўрнатилган барча дастурлар рўйхатини кўрсатади. Сичқончанинг чап тугмаси қайси дастур устида икки марта босилса ўша дастур ишга тушади.

Компютерда сиз ишлатишингиз керак бўлган стандарт дастурлар олдиндан ўрнатилган. Кейинчалик янги дастурларни ўзингиз ўрнатиб олингиз бўлади.



**Internet Explorer** — интернетга киришда ва сайтларни очинида ишлатилувчи дастур. Уни браузер дейишади. Браузерлар сони

## ТЕХНОЛОГИЯЛАР

# РАҚАМЛИ АСРДА ИНСОННИНГ ЎРНИ ҚАЕРДА?!

Яқин ўн йилликларда, истаимизми-йўқми, биз яшаётган дунё некин ўзгаришга учрайди. Таникли экспертлар шундай фикрда, чунки кўп ишлар автоматлашган тизимлар ва роботлар гарданига юкланмоқда. Бу яхши, аммо инсоннинг ўзи нима бўлади? Шу масалада кўп бош қотирган нуфузли Gartner компанияси ўз хулосаларини чиқарди. Улардан айримларига тўхталамиз. Яъни инсон-компютер мунобатлари қайси сценарийда ривожланишига разм соламыз.

## Робот-ёзувчилар

Ҳозир хориждаги йирик нашлашларда спорт ва иқтисодиёт янгиликларини одамлар эмас, балки дастурий алгоритмлар яратяпти. Мана ҳозир — 2018 йилда жами бизнес-контентнинг 20 фоизи машиналар томонидан ёзилмоқда.

зи инсон иштирокисиз, бевожита алгоритмлар томонидан бажарилади. Gartner келгусида уларнинг сугурта ва бошқа молиявий амалиётларда мустақил ишлай бошлашига ишонмоқда.

## Робот-бошлиқ

Роботлар нафақат ишчи, раҳбар ҳам бўлади. Робот-раҳбар ходимлар (инсонлар)нинг меҳнат унумдорлигини, топшириқларни вақтида бажаришини назорат қилади, ҳатто талабга жавоб бермаганларини ишдан бўшатиши мумкин...



солишлари ҳеч гап эмас: хоҳлашса электрли узиб қўйишади, исташса... Шунинг учун ҳам "ақлли уй"лар хавфсизлиги ҳақида ҳозирдан ўйлаш керак.

## Соғ бўлишга мажбурсиз...

Ходимлар (инсонлар) иш бевуви талабидан келиб чиқиб, қўлига махсус тасма тақиб юришга мажбур бўлади. Тасма-қурилма ҳар бир ишчи саломатлигини доимий назоратга олади. Бу кўнгилсиз оқибатларнинг олдини олиш учун кўрилган чора. Инсоннинг томир уриши кўрсаткичлари доимий мониторингга туради, унинг аҳволи ёмонлашмасдан бурун унга биринчи тез ёрдам кўрсатилади.

## Ёрдамга

### "муҳтож" нарсалар

Прогнозлар 2021 йилга бориб нарсалар интернетини учун соати-га миллионлаб қурилмалар сотилишини кўрсатмоқда. Корхона-ташкilotлар ҳозирдан ўша қурилмаларга қандай хизмат кўрсатиш ҳақида бош қотириши керак.

## Машиналар иқтисодиётга ишлайди

2020 йилда иқтисодий трансакцияларнинг қарийб 5 фоизи

## "Ақлли уй"лар кибертаҳдидлар нишони

"Ақлли уй" хўжайини учун қулай, аммо унинг жиловчи хакерлар қўлига ўтса борми?.. Бунақанги уйлари кибертизимини қўлга олган хакерлар хонадон соҳибларини ўзлари истаган қўйга

## Шахсий виртуал котиб

2020 йилда шахсий виртуал котиблар мобил операцияларнинг тахминан 40 фоизини ўз зиммаларига олади. Экспертлар бунинг ҳам дастурлаш даврининг хотимаси дея баҳолашмоқда. Чунки фойдаланувчилар ҳар бир иловани ишга тушириб ўтиришмайди, керак нарсани виртуал ёрдамчидан билиб олишаверади.





## ЖИНОЯТ ИЗИДАН

## Бир миллиард ўғирлаган хакер Испанияда қўлга олинди

Испания полициячилари туган украин хакери дунёдаги жуда кўп банкларга уюштирилган хужумларда гумон қилинапти.

Испания ички ишлар вазири Хуан Игнасио Соидонинг айтишича, ушбу хакер бошчилигидаги кибергурӯҳ етказган зарар қарийб бир млрд. доллар. Жиний тўда, масалан, Россиядаги деярли барча банкларга (300-400та банк) йўл топа олган ва уларнинг 50тасини ўмарган. Шунингдек, Беларус, Озарбайжон, Қозоғистон, Украина, Тайван ва Испаниядаги банклар ҳам бу тўда нишонига айланган.

Хакерни тутиш учун ФКБ, Европа полицияси, Тайван, Беларус каби мамлакатлар тегишли органлари ходимлари уч йил овоза бўлишди.



## ТЕХНОЛОГИЯЛАР

## Oracle илк муқобил маълумотлар базасини тақдим қилди

Янги ишлангани компания директорлар кенгаши раиси ва технологик директори Ларри Эллисон таништирди.

Бу дунёдаги биринчи ўзини ўзи бошқариладиган, химоялайдиган, тиклайдиган, машина ўқишдан фойдаланувчи булутли сервисдир. Эллисоннинг таъкидлашича, Oracle Autonomous Data Warehouse Cloud (янги технология) Amazon Web Servicesдан икки баравар арзондир.

“Бу технология кескин ўзгариш ясади, — деди Ларри Эллисон. — Бу ҳам худди интернет каби инқилобий технологияга асосланган”.



## ТЕЛЕФОНЛАР

## 5G-смартфонлар қачон пайдо бўлади?

Strategy Analytics компанияси маълум қилишича, 5G стандартини қўловчи илк телефонлар 2019 йил бошида сотувга чиқади, бироқ фақат 2021 йилга бориб улар глобал бозорга чиқади. Биринчи 5G смартфонларни Хитой, Япония, Жанубий Корея ва АҚШда харид қилиш мумкин бўлади.

Аввало бу қурилмаларнинг қимматлиги, шунингдек, тегишли стандартдаги хизматларнинг камлиги боис “бешинчи авлод” смартфонларининг оммалашishi бир неча йилларга кечикиши мумкин.



## ХАВФСИЗЛИК

## YouTube видеохостингида хавfli троян тарқамокда

“Доктор Веб” компанияси хабар беришича, бу троян зарарланган қурилмалардаги файлларни ёки фойдаланувчининг ижтимоий тармоқлар ва бошқа онлайн сервислардаги шахсий маълумотларини ўғирлайди.

Trojan.PWS.Stealer.23012 деб номланган бу вирус Python тилида ёзилган бўлиб, Microsoft Windows компютерларини зарарлайди. У 11 мартдан тарқалишни бошлаган ва бугун ҳам “Ютуб”ни кезиб юрибди.

Хакерлар уларни асосан хостингдаги видеороликларга изоҳлар орасида ҳаводалар шаклида қолдиришмоқда. Демак, хулоса битта: “Ютуб”га кирганингизда ҳеч қанақанги ҳаводаларга чалгиманг!



## ФОТОТЕХНИКА

## Huawei P20 Pro — энг яхши камерали смартфон

Камераларни профессионал таққослаш билан шуғулланувчи DxO Labs компанияси Huawei P20 Pro ва P20 смартфонларини синовдан ўтказди. Яқунда улар компаниянинг нуфузли рейтинги (DxOMark)да етакчиларга айланди.


P20 Pro, кутилганидек, рейтинг етакчиси бўлди. У қўшалоқ учта асосий камерага эга. Бу смартфон жами 109 балл тўплади, масалан, Samsung Galaxy S9+ смартфонидан 99 балл бор.

Экспертлар Huaweiнинг янги смартфонини ёруелик паст ҳолатда ҳам яхши ишлаши, унинг автофокуси аъло даражадалиги, унда олинган суратларда шовқинлар кўрсаткичи пастлигини таъкидлашди. Қўшалоқ камерали P20 эса 102 балл тўплади. Ҳали ҳеч қайси компаниянинг смартфонлари DxOMark тестида 100 баллдан юқорига чиқа олмаганди.

Huawei P20 ва P20 Pro сотувга 6 апрелдан чиқиши кутилмоқда.



S.ТЕМИРОВ тайёрлади



## ХАЛҚАРО ҲАЁТ



## Покистонлик аёл Қуръони Каримни ип билан тикиб ёзди

Покистоннинг Гужрат шаҳрида яшайдиган Насим Аҳтар исмли аёл Қуръони Каримни 32 йил давомида қўлда ип ва игна ёрдамида тикиб ёзди. Икки қатор тикиб ёзилган мазкур Қуръон дунёдаги ўзига хос ягона Мусхафдир.

ARY News нашри муҳбири билан суҳбатда Насим Аҳтар Мусхафни ҳеч кимнинг ёрдами-сиз ёлғиз ўзи ёганини таъкидлади. Бунинг учун Насим эни 114 см., узунлиги 2286 см. бўлган мато сотиб олган. Унинг айтишича, матони майда булақларга бўлиб сураларни тикиб ёзиш анча қийин кечган.

1987 йилда бошлаган хайрли ишини шу кунларда тугатишга муваффақ бўлган.

Насим игна ва ип ёрдамида тикиб ёзилган Мусхаф Гиннеснинг рекордлар китобига киришиш учун Покистон расмийлари томонидан тақдим этилиши кераклигини, чунки бундай иш дунёда ҳали қилинмаганини урғулади.

## Саудияда “Исломда фан ва технология” музейи очилади

Саудия Арабистони тарихида илк бор “Исломда фан ва технология” музейи очиладиган бўлди.

Туризм ва миллий мерос комиссияси муҳандис директори Абдулазиз ал-Ҳасан айтишича, музей қадимий осориатқалар, Саудия Арабистони қироллигининг асрлар давомида шаклланган маданий меросларидан ташкил топган тарихий дурдоналар билан жиҳозланади.

Сўнги пайтларда Саудия ҳукумати турли соҳалар, жумладан, туризмни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Саудия қироллигини дунё миқёсида туризм марказига айлантириш лойиҳаси учун ҳукумат ўтган йили 9,9 миллиард риёл (2 миллиард 640 миллион доллар) маблағ ажратган.

## Ким Чен Ин ўз шартини айтди

КХДР етакчиси Ким Чен Ин Шимолий Корея қандай шартда ядровий қуролсизланишини айтди. Унинг билдиришича, Корея яриморали, агарда Жанубий Корея ва АҚШ томонидан тегишли шароитлар яратилса, ядро қуролидан ҳоли ҳудудга айлантирилади. “Корея яриморалини ядро қуролидан ҳоли ҳудудга айлантириш муаммоси, агарда Жанубий Корея ва АҚШ бизнинг қуролсизланиш буйича сазй-ҳаракатларимизни ижобий қабул қилса ҳамда тинчлик ва барқарорлик муҳитини юзага келтирса, тинчликни ўрнатиш буйича босқичма-босқич ҳамда узаро мувофиқлашган чораларни қабул қилса, ўз ечимни топади”, — деган етакчи. Шунингдек, унинг таъкидлашича, Шимолий Корея собиқ раҳбарлари Ким Ир Сен ва Ким Чен Ир ҳам ядро қуролидан ҳоли ҳудудга айланиш тарафдори бўлган.

## Брюсселда норозилик намоийшлари бўлиб ўтди

Белгия пойтахти Брюсселда Асад тузуми ва Россиянинг Суриядаги хужумларига қарши норозилик намоийши бўлиб ўтди. Унда 50 киши иштирок этди. Улар Брюсселдаги Европа Комиссияси ва Европа Кенгаши бинолари жойлашган Шуман майдонига йиғилди.

Қўлларидан “Қотиллар” деб ёзилган плакатларни кўтариб олган намоийшчилар Сурия тузуми етакчиси Башар Асад, Россия президенти Владимир Путин ҳамда Эрон раҳбари Хумайний сиёсатини танқид қилди.

У.ТОЖИБОЕВ тайёрлади



## Мянмада янги президент сайланди

Мянма парламенти 28 март кунни кўпчилик овоз билан У Вин Мингнинг мамлакатнинг янги президенти этиб сайлади. Маълумотларга кўра, 66 ёшли У Вин Минг “Демократия учун миллий лига” ҳўкмон партияси вакили саналади.

Эслатиб ўтамиз, 21 март кунни Мянма президенти Тхин Чжо лавозимида икки йил ишлаганидан сўнг истеъфога чиққанди.



# ЯНГИ ОФИСДА ЯНГИЧА ХИЗМАТ

◀1-бет.

**2004 йилда филиалнинг Навоийдаги абонентлари атиги 400 нафар эди, ҳозирги кунга келиб, уларнинг сони 63 мингдан ошиб кетди.**

Ўтган йилларда ҳудудий боғлама чинакам юксалиш йўллари босиб ўтганини кўриш мумкин. Масалан, фаолиятининг дастлабки йилларида ходимлар сони 4 нафар эди, буғунги кунда эса улар сони 36 нафарга етди. 2004 йилда фақат туман ва шаҳар марказлари қамраб олинган бўлса, 2013 йилда олис чўл ва тоғли ҳудудларда, қишлоқларда 26та янги база станцияси ўрнатилди. Нафақат алоқа хизматлари, балки интернет хизматларининг ҳам тезкорлиги ва сифатига кафолат берадиган оператор сифатида “ЎзМобайл” филиалининг нуфузи кундан-кунга ошмоқда.

2004 йилда филиалнинг Навоийдаги абонентлари атиги 400 нафар эди, ҳозирги кунга келиб, уларнинг сони 63 мингдан ошиб кетди. База станциялари сони 2004 йилда 12тани ташкил этган бўлса, айни пайтда 96та таянч станцияси ва 133та база станцияси фаолият кўрсатаётир.

Вилоят ҳудуди катталиги жиҳатидан мамлакатимизда Қорақалпоғистондан кейин иккинчи ўринда туради, аҳоли масканлари тарқоқ. Қизилқум кенгликларидида жойлашган Учқудуқ туманида 13та, Томди туманида 9та, Кониимех туманида 12та, Нурота туманида 18та база станцияси ўрнатилиб, марказлардан анча олисида яшаб, меҳнат қилаётган аҳолининг сифатли алоқа хизматларига бўлган талаби қондирилаётганлиги фуқароларга ҳар жиҳатдан қўл келяпти.

— Бир неча йиллардан буён олис Айдарқўл ҳудудидида



сайёҳлик базасини ташкил этиб, Япония, Франция, Италия, Швеция, Корея, Хитой, Индонезия каби кўплаб давлатлардан юртимизга ташриф буюрадиган сайёҳларга хизмат кўрсатиб келамиз, — дейди “Қизилқум сафари” туристик фирмаси директори Воҳид Пирмагов. — Чўлга бошқа компанияларнинг “овози” ҳам, кучи ҳам етмайди. Фақат “ЎзМобайл” хизмати бизга қўмакдош.

Тантанали тадбирда иштирок этган “Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиалининг тижорат директори Жавлон Ис-

ломов мазкур мобил алоқанинг бошқа операторлардан афзаллик томонлари ҳақида гапириб, “ЎзМобайл” миллий оператор сифатида ишончли ва барқарор фаолият кўрсатиши, юқори тезликда маълумотларни узатиш, энг замонавий технологияларни жорий этиш орқали бутун жаҳон интернет ахборот тизимига уланиш, электрон тўловлар ва тижорий хизматларини кўрсатиш борасида энг ривожланган мобил алоқа тизими бўлишига умид билдирди.

— Янги офисга қадам қўяр

экансиз, энг аввало, “ЎзМобайл” ходимларининг самимий табассумини ҳис этасиз, — дейди тадбир иштирокчиси “Навоий ёшлари” газетаси бош муҳаррири Санжар Курбонов. — Боғламада асосан ёшларнинг меҳнат қилаётганлиги янги чарх, янги нафасдан далолат беради. Мобил алоқа оператори барчамизнинг ишончли ҳамкоримизга айланишига асло шубҳа йўқ.

**Маруза ҲОСИЛОВА,**  
“Хабар”нинг Навоий вилоятидаги мухбири

## ТАДБИР

### НАВРЎЗ МАДҲИ ТИЛЛАРДА МУДОМ

“Ўзбектелеком” АК Бухоро филиали мажлислар зали қўтлуғ айём муносабати билан ўтказилган адабий тадбир давомида назм ва наср ихлосмандлари билан гавжум бўлди. Филиал ходимлари бу ерда шоир, ёзувчи ва журналистлар билан юзма-юз мулоқотда бўлдилар. Тадбир давомида маҳаллий ижодкорлар қаламига мансуб навбахор ҳақидаги шеърлар ҳам янгради.

Филиал ходимларидан Маҳуба Жумаева, Ортиқой Ҳайитовалар томонидан тайёрланган шеърний композиция фасллар келинчаги баҳоринг тараннум этгани сабаб, барчага хушнудлик бахш этди.

Абу Али ибн Сино номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида турли ёшдаги кишилар, айниқса, ёш китобхонлар иштирокида қўтлуғ сана ва байрамлар

арафасида адабий-бадий кечаларни ўтказишга алоҳида аҳамият берилаяпти. Бу йилги Наврўзи олам тантаналари доирасида ушбу зиё масканида ташкиллаштирилган навбатдаги муносиқий тадбир бунга аниқ мисол бўла олади.

АКТ афзалликлари, хусусан, фусункор фаслнинг бутун гўзаллиги, баҳорнинг тансиқ таомллари — сумалак, ҳалим, кўк сомса ва кўк чучвара ҳақидаги тегиш-

ли маълумотларни ўзида мужассам этган слайдлар намойиши ҳам тадбир иштирокчиларининг диққатини ўзига тортди.

Байрам тадбирида АКМ директори вазифасини бажарувчи З.Салимова сўзга чиқиб, барчани қўтлуғ айём билан самимий табриклади.

**Асқар ИСТАМОВ,**  
“Хабар”нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

## ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ САЁХАТ ҚИЛ!

### САЁХАТ ШИЖОАТ БЕРДИ

Ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида бўлгани каби соҳа корхона ва ташкилотларида ҳам Наврўз муносабати билан эълон қилинган беш кунлик таътилдандан унумли фойдаланилди. Кўплаб корхона ва ташкилотлар ходимлари юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёхат билан бирга, жаҳон тамаддунига ўзининг ўткир ақли, заковати билан муносиб улуш қўшган улўғ боболаримиз мангу ором топган масканларни зиёрат ҳам қилишди.

“Ўзбектелеком” АК “Телеком-муникация транспорт тармоғи” филиали ходимлари бу сафар қадимий Самарқанд шаҳрига боришни маъқул кўришди.

— Бу борада филиал маъмурияти билан касабга уюшмаси қўмитаси ўртасида имзоланган қўшма чора-тадбирлар режаси қўл келди, — дейди касабқўм раиси Қўҳрамон Саримсоқов. — Шунингдек, ходимларнинг талаб-истаклари ҳам инобатга олинди. Ходимларимиз саёхат давомида дунёга машҳур ҳадис-

шунис олим Имом ал-Бухорий, шунингдек, жаҳонгир бобомиз Амир Темур, Хўжаи Дониёр, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов мақбараларида бўлишди. Гузал ва бетакрор Регистон майдони ҳамда дунёга таниқли олим Мирзо Улўбек музей-мажмуасини қизиқиб томоша қилишди.

Айни пайтда филиалда ҳамма ўзгача ғайрат-шижоат билан ишга киришган.

Ўз мухбири

### ТААССУРОТЛАР БИР ОЛАМ

Шароф Рашидов номидаги Жиззах вилоят ахборот-кутубхона маркази ходимлари Самарқанд шаҳрига саёхат уюштиришди.

“Ўзбекистон бўйлаб саёхат қил!” дастурига мувофиқ жижахликлар шаҳарининг диққатга сазовор жойларида бўлишди. Дастлаб ҳадис илмининг етук билимдони Имом ал-Бухорий ҳазратлари ёлдорлик мажмуаси, Гури Амир мақбараси, Шоҳи Зинда ёлдорлик мажмуаси, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов мақбарасини зиёрат қилишди. Шундан сўнг Регистон майдони, Бибиҳоним жомеъ масжидини томоша қилиб, бир олам таассурот олишди. Ушбу саёхат ходимларда Ватанимизнинг шонли тарихига, буюк аждодларимизга муҳаббатни янада оширди.

**Ҳилола БОТИРОВА,**  
Жиззах вилоят АКМ бўлим мудири





АНТОН ЧЕХОВ  
(1860–1904)

Саёхатга чиққан уч нафар актёр — Смирнов, Попов ва Балабайкин — фараҳбахш тонгланинг бирида темир йўлга тушалган тўсинлар устидан гурунглашиб кетишадиган эди, кутилмаганда... ҳамён топоволишди. Ичидан бир даста пул, олтита ютуқ чиққан заём ва уч минг қайд этилган чек чиқди. Ана омаду мана омад!

— Ҳар биримизга қанчадан тегаркан-а? — деди Смирнов пуллари санаркан. — Ё қудратингдан! Беш минг тўрт юз қирқ беш сўмдан! Худо бераман деса — шу-да!

— Мен ўзим учун эмас, — деди Балабайкин, — сизларни ўйлаб, суюниб кетяпман, азизларим. Энди тишинг кирини сўриш йўқ, минбаъд ялангоёқ юрмайсизлар. Мен санъат учун қуюнаман-да... Москвага борганда, оғайнилар, энг аввало, анави машҳур тикувчи бор-у, ушанга учрашаман. Бир сидра антиқа кийимлар тиктираман. Цилиндр сотволаман. Юраман пўрим бўлиб... А, қалай?

— Олдин қорин ғамини есақ бўлармиди... — деб тўнғиллади Попов. — Уч кундан бери ичимизга иссиқ овқат киргани йўқ. Энди бир яйрайдиган хонаси келди шекилли.

— Тўғри гап. Отангга балли! — дея хитоб қилди Смирнов. — Шунча пулимиз бўла туриб, оч ўтирибмиз-а! Менга қара, Попов, бўталоғим. Орамизда энг ёши — сенсан. Чаққонсан. Анави ҳамёндан пул олгини егуликка зинғилла. Ҳў-ў, ана қишлоқ. Оқариб турган черковни кўряпсанми? Келса — беш қақирим келар. Ундан кўп эмас. Кўрдингми? Каттагина қишлоқ, ҳамма нарса топилади. Бир шиша ароқ ол, нон, колбаса, балиқ дегандай... Қара-да, ўзинг. Кутамиз, бора қол, жигарим...

Попов пулни олиб, кетишга чоғланган пайтда Смирнов уни маҳкам қучоқлаб, юзларидан чўлп-чўлп ўпди, кўзларидан дув-

# ҲАМЁН

(ҲИКОЯ)



дув ёш тўкиб, меҳрибоним деди, фариштам, жигаргўшам, деди... Балабайкин ҳам йигитни бағрига босиб, умрбод дўст бўлиб қоламиз, деб онт ичди. Мана шунга ўхшаш беҳисоб дил изҳорларидан сўнг Попов узоқдан шарпаси кўриниб турган қишлоқ томон йўл олди.

— “Бахт қуши”, деб шуни айтсалар керак-да, — ўйларди у йўл-йўлақай, — боягина сариқ чақамиз ҳам йўқ эди, дабдурустдан осмондан олтин тушгандай бўлди-да ўзиям. Мана энди она шаҳрим Костромага жунаворсам ҳам бўлади. Хусусий театримни қураман, актёрларни бир гуруҳга йиғаман. Дарвоқе... беш мингга тузукроқ оғборхона ҳам қуриб бўлмайди-ку. Агар ҳамёндаги пулланинг ҳаммаси меники бўлгандами... Театримни гуллатиб юборардим. Ана обрў, ана олқишлар... Смирнов билан Балабайкин ҳам актёр бўлтимиз? Фирт тўнка-ку улар, талантнинг “т” ҳарфи ҳам йўқ. Пулни елга совуришди, мен эса ватанимга хизмат қиламан, номимни ҳам шон-шухратга буркайман... Нима қилсамикин? Тўхта, тўхта...

Ароққа заҳар қўшсам-чи? Улар улиб кетишади, аммо-лекин Костромада Россияда тенги йўқ театр қурилиб қолади. Кимдир айтган экан, Мак-Магон бўлса керак: мақсад ҳар қандай воситани оқлайди. Зур одам бўлган-да Мак-Магон!

У мана шундай ҳаёллар билан қишлоқ сари бораркан, бу ёқда қолган ҳамроҳлари Смирнов билан Балабайкин ҳам жим ўтиришгани йўқ:

— Дустимиз Попов тилла йигит-да! — дерди Смирнов ўпкаси тўлиб. — Уни яхши қураман, талантига беш кетаман, истез-доди беназир... Аммо биласанми? — шу пуллар уни хароб қилмасайди, деб кўрқаман-да... Ё ичкиликка берилсади, ё бўлмасам қиморга бой беради. Ёш-да, ёш! Қули ҳали пул кўрмаган...

— Гапинг тўғри... — уни қувватлади Балабайкин. — Умуман, она сути оғзидан кетмаган болага пулнинг нима кераги бор? Бизнинг йўриғимиз бошқа... Оилалимиз, оқ-қорани таниймиз, пулни жой-жойида ишлатишни биламиз. Нима дединг? Ке, қўй, гапни аччиқ ичакдай қўзиб ўтир-

майлик-да, уни бир ёқлик қилиб қўя қолайлик. Шунда иккаламизга саккиз мингдан тегади. Ўлдирамизу Москвага борганда, поезд босиб кетди, деб қўя қоламиз... Аслида-ку, мен ҳам уни ҳурмат қиламан. Аммо санъатнинг манфаати ҳамма нарсдан устун эмасми! Қолаверса, ўзи лаёқатсиз бир нарса...

— Нималар деясан?! — Смирновнинг капалаги учиб кетди. — Шундоқ йигитни-я! Аммо-лекин мундоқ ўйлаб қаралса... гапингга жон бор, азизим. Ким ўзи у? Ландовур, товукмия, ивгогар бир кимса. Актёрми шуям? Келажаги даргумон бир махлуқ у ёғини сўрасан! Агар ўлдирсак, ўзи ҳам биздан миннатдор бўлади. Жа-а кўнгли ўқсимасин, десак, Москвага борганда газетга таъзиянома берамиз. Оқибат шунчалик бўлади-да!

Айтилган сўз — отилган ўқ. Ниҳоят Попов бир тўрва нарса кўтариб қишлоқдан қайтиб келди. Икковлари бараварига унга ёпишиб, юз-кўзларидан ўпа бошлашди. Яшавор, азамат, дейишди, келажагинг порлоқ сенинг, дейишди ва бирдан... томоғидан ҳиппа бўғиб, ҳаш-паш дегунча ўлдиринди-қўйишди. Жаиноят изини яшириш максасида марҳумни релсга ётқизиб қўйдилар. Сўнг икковлон бир-бирларини мақтай-мақтай, тамалди қилишга ўтиришди. Сир сирлигича қолади, деб ўйлашган эди. Аммо жиноят жазосиз қолармиди... Попов ароққа қўшган заҳар жудаям ўткир экан, бир кружкадан отганлари ҳамона (иккинчисига улгуришмади) тарашадай қотиб қолишди. Сал ўтмай учта мурда тепасида қарғалар гужғон ўйнай бошлади.

Қиссадан ҳисса: агар бирорта актёр оғиз кўпиртириб ҳамкасбини мақтаётган бўлса ёки иккита актёр қучоқлашиб, бир-бирига садоқат изҳор қилаётганини кўрсангиз... кўпам ишонаверманг.

Русчадан  
Низом КОМИЛ  
таржимаси

## Китоб ҳақида қизиқарли фактлар

Имом ал-Бухорий 600000 ҳадис тўплаб, шундан 100000 саҳиҳ, 200000 заиф ҳадисни ёдлаган. Бу ҳадисларни тўплашда 90000дан ошиқ кишининг ҳузурини бўлган.

## КИЧИК ҲИКОЯЛАР

### Бағритош

Ичкарида операция давом этар, ташқарида аёл ва қизи йигитчага умр тилаб илтижо қилишарди. Бирдан эшик очилди-ю, доктор чиқиб беморга қон кераклигини айтди. Она бир зум иккиланиб қолди. Шунда қизалоқ: “Акам билан қон гуруҳингиз бир хил-ку” — деди, лекин аёл қон беришдан бош тортди... Йигитчага қизалоқнинг қонини қўйишди.

“Тошбағир аёл экан”, — ўйларди шифокор.

“Худбинлик ҳам шунчалик бўладими?” — ҳайрон қоларди ҳамшира.

“Агар дадам бўлганида...” — ўксинарди қизалоқ.

Аёл эса бу пайтда ўзини тузалмас дардга маҳкум этиб кетган эрини ичида қарғар, фарзандига Худодан шифо тиларди.

Ичкарида ҳаёт ва ўлим кураши давом этарди.

### Ният

У ниҳоятда шошилиб ёзарди. Ёзар экан, соатга тез-тез кўз ташлаб: “Ишқилиб келишмасин-да”, деб илтижо қилиб қўярди. Қаҳрамонлари тақдирга кириб кетаётган ёзувчи айна дам керакли сатрлар қуйилиб келатганини ҳис қилиб турарди, сўнгги бобга ўтаркан, турмуш ўртоғи ва ўғли яна икки соат кечикишини илтижо қилиб қўйди-ю ўз оламига шўнғиб кетди. У асарини тугатди, ҳатто бироз мизғиб ҳам олди. Телефоннинг “асабий” жириглаши уни уйғотиб юборди. Гушакни кўтаргач, хабардан қалқиб кетди. Аёли ва ўғли энди бир умрга кечикадиган бўлганди.

Гулчехра МАТЁҚУБОВА



# КРЕАТИВ ҒОЯЛАР ИЖОДКОРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Наврў шодиёналари арафасида юртимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳар бир таълим ва илм-маърифат масканида қўлдан келганлар, мароқли кечалар, самимий учрашувлар ташкил этилиши анъанага айланган. Навоий Давлат кончилик институтида "Интеллектуал салоҳиятли ёшлар Ўзбекистоннинг ёруғ келажаги" грант лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбир ана шулардан бири бўлди.

Лойиҳа доирасида институт ёш олимлари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Беруний номидаги Давлат стипендияси соҳиблари Тўймурод Саъдуллаев, Абдулла Расулов ҳамда Ислоҳ Каримов номидаги Давлат стипендияси

совриндори Маҳбуба Самадовалар бугунгача қўлга киритган ютуқларининг асосий қисми китоб эканлигини алоҳида таъкидлашди. Кончилик институтида иқтидорли, изланувчан ёш олимлар, талабаларни бирлаштирадиган Креатив меҳатроника тўғрисида ташкил этилиб, яхши натижалар қўлга киритилди. Ғояларга илмий ёндашув ўз самарасини берапти. Тўймурод Саъдуллаев ҳам ана шу тўғрада аъзо. У 2013 йили "Юрт келажаги" танловининг республика босқичи ғолиби бўлган. Айни пайтда электр двигателни контактсиз усулда ишга тушириш қурилмаси устида иш олиб бормоқда. Бу четдан олинмаган айрим

техник воситаларга эҳтиёж қолдирмайди, шунингдек, электр энергия сарфини сезиларли даражада камайтириш борасидаги амалий ишларга ёрдам беради. Электр двигателлари бошқаришда контактсиз элементлардан фойдаланиш экологияга умуман зарар қилмайди ва қўллаб-саноат қорхоналарида электр двигателлар бузилиши ва ёнғиннинг олди олинади.

Институтнинг кончилик факультети 4-босқич талабаси А.Расулов "Қатламни гидравлик ёриш асосида ер остида танлаб эритиш жараёнининг самарадорлигини ошириш" мавзусида олиб бораётган тадқиқот иши ер ости бойликлар



Маҳбуба Самадова

рини қайта ишлаш учун қулай шарт-шароит яратиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Институтнинг "Креатив ғоялар" тўғрисида ёш олимларни қўллаб-қувватлаётди.

**Маруза ҲОСИЛОВА,**  
"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги мухбири

# ТОШКЕНТДА ЁШЛАР ЯРМАРКАСИ

Энг яхши инновацион ғоя муаллифларига ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Бугун пойтахтимизнинг Сергели туманида "Ёшларнинг инновацион ғоялари ва технологияларини қўллаб-қувватлаш ярмаркаси" ташкил этилди.

"Ўзбекистоннинг инновацион ғоялари ва технологияларини қўллаб-қувватлаш ярмаркаси" ташкил этилган кўرғазма туманидаги "Yoshlar sport city" спорт мажмуасининг очилиш маросими билан ҳамроҳанг тарзда ўтди.

Мазкур мажмуа маҳаллий аҳолининг спорт билан шугулланиши учун шароит яратиш мақсадида "Ўзбекистоннинг инновацион ғоялари ва технологияларини қўллаб-қувватлаш ярмаркаси" АЖ томонидан қуриб битказилган.



Ярмаркада 100га яқин ёшлар ўзларининг инновацион ғоялари

ри билан иштирок этдилар. Кўрғазма қорхоналари, илмий

ташкilotлар ва олий таълим муассасалари ўртасида манфаатли

алоқалар ўрнатиш, ёшларнинг янги илмий ва амалий ишланмаларини намойиш этиши учун ажойиб имконият бўлди. Кўрғазма якунида барча иштирокчиларга ташаккурномалар, энг яхши инновацион ғоя муаллифларига эса ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Кўрғазма доирасида тадбиркорлар ва ёшлар тақдим этилган қизиқарли инновацион ишланмаларни келгусида ҳаётга татбиқ этиш бўйича келишиб олинди.

Тадбир байрамона тарзда ташкил этилиб, меҳмонларга қўқ сомса, палов, сумалак каби миллий таомлар тортилди ҳамда концерт дастури тақдим этилди.

## ОБЪЯВЛЕНИЯ

В целях реализации проекта: "Совершенствование технологических процессов приема и обработки почтовых отправлений" АО "Узбекистон почтаси" объявляет конкурс на поставку следующих товаров:



### АО "Узбекистон почтаси"

объявляет конкурс на разработку технического задания для автоматизированной системы отдельного учета затрат по видам оказываемых услуг почтовой связи.

Просим Вас представить коммерческое предложение с указанием цены и срока разработки технического задания (срок разработки не должен превышать одного месяца).

Предложения направить с 30 марта по 9 апреля 2018 года на E-mail: it@post.uz или письменно по адресу:

100000, Республика Узбекистан, г.Ташкент, ул. Олой — 1.

Контакты (+998 71) 236-36-74.

АО "Узбекистон почтаси"

№	Наименование товара	Ед. изм	Кол-во
1.	Персональные компьютеры. CPU Intel Core i3 3,7GHz / DDR4 4GB/ MB H 110 (HDMI   VGA) / HDD 500Gb / Case ATX / Клавиатура стандартная, Rus/Lat / Мышь оптическая 2-х кнопочная с роллером / Monitor 18.5" /Сетевой фильтр 5 розеток 5м.	шт.	50
2.	Лазерный принтер. Черно-белый, настольный, кол-во страниц в месяц не менее 5000, формат А-4, максимальное разрешение 600x600 dpi, скорость печати 18 стр/мин.	шт.	50
3.	Ручные лазерные, беспроводные сканеры штрих-кода. XL-9309/XL-9310.	шт.	32
4.	Принтер штрих-кодов: Zebra TZ410 (203dpi или более ширина печати более 100 мм).	шт.	2
5.	Головка от принтера штрих-кода Zebra TZ410.	шт.	1

Для участия в конкурсе, участники должны представить следующие документы:

- Ксерокопию свидетельства о государственной регистрации;
- Ксерокопию паспорта руководителя организации;
- Письменное коммерческое предложение.

Коммерческие предложения по конкурсу направлять на e-mail: b.djuraev@post.uz с 30 марта по 9 апреля 2018 года. Контактный телефон: (+99) 844-34-10.

АО "Узбекистон почтаси"



# Самарадорликни ошириш

## усуллари



### 1. Мажлисларни чўзманг

Беш нафардан ортиқ одамни таклиф қилманг ва мажлисни 30 дақиқадан кўпроққа чўзманг. Бунда ҳамма гапириши мумкин, аммо вақт кам бўлгани учун одамлар чалғимайди. Йиғилиш якунида, албатта, мақсад ёки вазифалар келишиб олиниши керак, акс ҳолда унинг ошхонадаги суҳбатдан фарқи бўлмайди.

### 2. Ишларнинг тўғри рўйхатини тузинг

Ҳар бир боб учун муддат белгиланган бўлса, вазифалар рўйхати жуда фойдалидир. Акс ҳолда, бу қачонлардир бажарилиши керак бўлган нарсаларнинг рўйхати бўлиб қолади.

### 3. Ижтимоий тармоқлар учун маълум бир вақтни ажратинг

Барча хабарларни ўчириб қўйинг ва ижтимоий тармоқларга кириш учун аниқ вақтни белгиланг. Агар шундай қилмасангиз, сиз хабар ва турли эслатмалардан иборат доира ичига тушиб қоласиз.

### 4. Бузуқ пойдевор устига янги бино қурманг

Баъзи тизимлар ишламаса, хатоларни тузатишга ҳаракат қилинг ёки ҳамма нарсани бошидан бошланг.

### 5. Энг мураккабидан бошланг

Мураккаб ишларни кейинга қолдирманг, дарҳол бажаринг. Шунда куннинг қолган қисмида бошқа ишлар билан шуғулланиш анча осон бўлади.

### 6. Уйқуга тўйинг

Уйқуни қурбон қилиб, мақсадингизга яқинлаша олмайсиз. Сизга 8 соатлик уйқу керак бўлса-ю фақат 6 соат ухлаган бўлсангиз, кунингиз самарали бўлмайди. Иш кунига 2 соат қўшган бўлишингиз мумкин, аммо сифат борасида кўп нарсаларни йўқотдингиз. Яна соғлигингизга ҳам зарар etkazdingiz.

### 7. Майда ишларга кўп вақт сарфламанг

Баъзан биз майда ишлар билан банд бўлиб, муҳим вазифаларни унутиб, вақт қандай ўтиб кетганини билмай қоламиз. Бунинг олдини олиш учун вазифаларнинг аниқ рўйхатини тузинг.

### 8. Ёзишмалар учун вақтни қисқартириш

Одатда одамлар битта савол билан муурожаат қилади, кейин бошқа хабарларни юборишади, натижада ёзишмалар анча чўзилиб кетади. Кутилаётган саволларга олдиндан жавоб беришга ҳаракат қилинг. Хабарни қисқа ва аниқ ёзинг.

### 9. Фойдали ҳаракатларни одатга айлантинг

Бу сизга кўп куч ва асабларни тежаш имконини беради. Одатларни шакллантиришнинг асосий жиҳати — тақрорлаш ва интизомдир. Агар бирор-бир ҳаракатни кўп тақрорласангиз, уни кўзингизни юмиб ҳам бажара бошлайсиз.

## МАЖБУРИЙ ЧОРА

### ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА

#### амалдорларнинг компютерлари ҳар жума кuni мажбуран ўчириб қўйилади

Жанубий Корея ҳукумати Сеулда "ортиқча иш маданияти"га қарши курашишга қарор қилди. Бунга чора сифатида ҳар жума кuni амалдорларнинг компютерлари мажбурий равишда ўчирилади.



30 мартдан бошлаб кейинги уч ой давомида давлат тузилмаларида ишловчи амалдорларнинг компютерлари ҳар ойнинг иккинчи ва тўртинчи жума кунлари кечки вақт ўчириб қўйилади.

Сеулда 30 март кuni ишчи компютерлар кечки соат саккизда ўчирилади, апрелдан бошлаб эса ярим соат эрта ўчирилади.

Тажрибанинг учинчи босқичида, яъни май ойида компютерлар ҳар жума кuni соат 19:00да ўчирила бошланади.

Сеул мэриясининг маълум қилишича, компютерларнинг автоматик равишда ўчирилиши барча ходимларга тааллуқли. Ало-

ҳида вазиятлардагина истисно қилиниши мумкин. Шу билан бирга 67,1 фоиз давлат хизматчилари ўз компютерларининг ўчирилмаслигини сўраган.

Маълумотларга кўра, Жанубий Корея ҳукумати ходимлари йилига 2738 соат ишлайди, бошқа ривожланган давлатлар эса ушбу кўрсаткич йилига 1763 соатга тенг. Март ойининг бошида Жанубий Корея парламенти иш ҳафтасини 68 соатдан 52 соатга ўзгартириш бўйича қарорни қабул қилганди. Мазкур янгилик 2018 йилнинг июлидан бошлаб кучга киради.

## ОГОҲЛИК

### ТЕЛЕГРАМДА УЯ ҚУРГАН ФИРИБГАРЛАР

UzCard барча пластик карта эгаларини фирибгарлар тузоғига тушиб қолмаслик учун ҳушёр бўлишга қарқирди.

— Бугун Telegram тармоғида пайдо бўлган пластик карта билан боғлиқ фирибгарликка эътиборингизни қаратмоқчимиз, — дейилади UzCard хабарида. — Биз томонимиздан шубҳали каналлар топилди. Унда мобил иловалар орқали пул ўтказиш йўли билан ноқонуний бизнесга чорлаш мақсадида эълонлар жойлаштирилган. Эълонда "картадан картага пул ўтказиш" хизмати орқали маблағ ўтказиш сўралиб, бу суммани маълум вақтда 20 фоизга кўпайтириб беришни ваъда қилишган. Бу ҳолатда ўз пулларингизни йўқотишингиз эҳтимоли жуда катта.

Фойдаланувчилар бу каби бошқа эълон ёки қақирувларга дуч келишганида UzCard маъмуриятига хабар беришлари сўралган. Эҳтиёт бўлинг! Бундай шубҳали хизматларга ишонганлар интернет-фирибгарлар қармоғига илиниши турган гап.



## Xabar

### МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бosh муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: Абдуғани АБДУРАҲМОҶОВ

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Азим АХМЕДҲАДЖАЕВ (Ҳайъат раиси), Фарҳод РЎЗИЕВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Тулқин ТЕШАБОВЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган кўл ёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлианиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоси келишилган нарҳда.

### МАНЗИЛИМИЗ:

100105, Тошкент, Толлимаржон кўчаси, 6-уй. Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78 Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ. Навбатчи: Собит АҲАДОВ.



Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақам билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кuni чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-343 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 9125 нусха.

### ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 21.30. Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:	Андижонда 226-47-80	Бухорода (0365)600-87-21	Жиззахда (94) 199-95-64	Наманганда (91) 353-71-25	Навоийда 225-91-10	Нукусда 554-35-45	Самарқандда (91)557-84-44	Термизда (91)235-88-68	Тошкентда 291-43-28	Урганча (97) 211-65-05	Фарғонада 244-18-05	Қаршида (93)931-08-99
--------------------	---------------------	--------------------------	-------------------------	---------------------------	--------------------	-------------------	---------------------------	------------------------	---------------------	------------------------	---------------------	-----------------------